

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА  
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ**

**Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси**

|                                                                                                        |  |                                                                                                      |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| « Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »<br>факултет декани _____<br>доцент. Х.Х.КАМОЛОВ<br>« ____ » _____ 2015 йил |  | « Химояга рухсат этаман »<br>кафедра мудири _____<br>доцент. О. ШЕРМАТОВ.<br>« ____ » _____ 2015 йил |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|------------------------------------------------------------------------------------------------------|

**Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси**

**СОБИРОВА (МИРЗАЕВА) МУНАВВАР ҚАХРАМОНЖОНОВНА**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

*Мавзу: Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптимал хажмини белгилашни иқтисодий самарадорликка таъсири.*

БМИ раҳбари

кат. ўқт Усманов М.

Бажарувчи:

Собирова (Мирзаева) М.

Андижон - 2015 йил.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ  
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва  
бошқарув кафедрасининг мудир

Доц. О.Шерматов\_\_\_\_\_

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2014 й.

**Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси**

**Мирзаева Мунавварнинг битирув малакавий ишини бажариш учун**

# ТОПШИРИҚ

**1.Битирув малакавий ишининг мавзуси:** институт ректорининг

*«10 сентябр» 2014 йилдаги № 275-СТ сонли буйруғи билан тасдиқланган.*

**2. БМИнинг мавзуси:** Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптимал хажмини белгилашни иқтисодий самарадорликка таъсири.

**3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** «1 » май 2015 йил.

**4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, уч бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқда иқтисодий ислохатларни ўтказишига оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мавзуга оид адабиётлар, ҳамда Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.

**6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 10 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 4 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

| <b>Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари</b>                                                                                    | <b>БМИни раҳбари</b>      | <b>Бажариш муддати</b> | <b>Имзо</b> |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------|------------------------|-------------|
| <i>Кириш</i>                                                                                                                        | <i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i> | <i>29.11.2014й</i>     |             |
| <b>1 боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида экин майдонларини иқтисодий самарадорлигини оширишни илмий-услубий асослари:</b>     |                           |                        |             |
| <i>1.1 Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида экин майдонларидан фойдаланишни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.</i>                        | <i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i> | <i>27.12.2014й</i>     |             |
| <i>1.2 Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида экин майдонларини белгилашни илмий ва услубий асослари.</i>                             | <i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i> | <i>31.01.2015й</i>     |             |
| <b>2.боб Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланишни иқтисодий ҳолати ва таҳлили.</b> |                           |                        |             |
| <i>2.1 Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини табиий иқтисодий тавсифи.</i>                                      | <i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i> | <i>28.02.2015й</i>     |             |
| <i>2.2 Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш ҳолати ва таҳлили.</i>               | <i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i> | <i>28.03.2015й</i>     |             |
| <b>3.боб Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар.</b>       |                           |                        |             |
| <i>3.1 Деҳқончилик тармогида экин майдонлардан фойдаланишни таъкил этиш технологияси.</i>                                           | <i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i> | <i>7.04.2015й</i>      |             |
| <i>3.2 Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштиришга таъсир этувчи омиллар.</i>     | <i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i> | <i>15.04.2015й</i>     |             |
| <i>3.3 Фермер хўжаликларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш.</i>                                                | <i>Кат.ўқт. М.Усмонов</i> | <i>27.04.2015й</i>     |             |
| <b>Хулоса ва таклифлар.</b>                                                                                                         | <b>Кат.ўқт. М.Усманов</b> | <b>1.05.2015й</b>      |             |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.</b>                                                                                            | <b>Кат.ўқт. М.Усманов</b> | <b>1.05.2015й</b>      |             |

Топириқ берилган вақти: « 12 » сентябр 2014 йил.

БМИ раҳбари: кат. ўқт. М.Усмонов.

Битирувчи: М.Мирзаева.

### **Мундарижа.**

| <i>Мазмуни</i>                                                                                                                      | <i>Бетлар</i> |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------|
| <i>Кириш</i>                                                                                                                        | 1-9           |
| <b>1 боб. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида экин майдонларини иқтисодий самарадорлигини оширишни илмий-услубий асослари:</b>        | 10-21         |
| 1.1 Иқтисодий эркинлаштириш шароитида экин майдонларидан фойдаланишни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.                                  | 10-14         |
| 1.2 Иқтисодий эркинлаштириш шароитида экин майдонларини белгилашни илмий ва услубий асослари.                                       | 15-21         |
| <b>2.боб Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланишни иқтисодий ҳолати ва таҳлили.</b> | 22-51         |
| 2.2 Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини табиий иқтисодий тавсифи.                                             | 22-33         |
| 2.2 Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш ҳолати ва таҳлили.                      | 34-51         |
| <b>3. боб Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштиришга таъсир этувчи омиллар.</b>  | 52-71         |
| 3.1 Деҳқончилик тармогида экин майдонлардан фойдаланишни таъкил этиш технологияси.                                                  | 52-60         |
| 3.2 Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштиришга таъсир этувчи омиллар.            | 61-65         |
| 3.3. Фермер хўжаликларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб- қувватлаш.                                                     | 66-71         |
| <b>Хулоса ва таклифлар.</b>                                                                                                         | 72-73         |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.</b>                                                                                            | 74-77         |

## КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётинининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси, йилдан-йилга тобора ортиб бораётган мустақил тараққиётининг дастлабки йилларида халқимиз танлаб олган ривожланиш йўли нақадар тўғри ҳамда пухта асосга эга эканини, энг мухими, уларнинг негизида фуқораларимизнинг ҳаётий орзу-интилишлари ва манфаатлари ўзининг яққол ифодасини топганини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тараққиёт йўлини стратегик мақсади - замонавий ривожланган демократик давлатни қуриш, иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир. Ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга тадбиқ этаётган ушбу моделнинг мазмуни - иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлат бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устиворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб боришдан иборатдир. Ушбу мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғиниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳамда изчил олиб борилаётган пухта ўйланган, самаралий иқтисодий сиёсат ўз самарасини бермоқда. Ушбу сиёсатни провардида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлашга замин яратишдир. Бу жаҳон иқтисодиётида хали бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг давом эттирилишига, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришнинг таъминланишига, мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўз мавкейи мустахкамлашига асос бўлди. Қишлоқ хўжалиги мамлакат халқ хўжалигининг энг муҳим ва йирик тармоғларидан бири хисобланади. Ушбу тармоқ аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан, енгил

ва озиқ-овқат саноатини зарурий хом-ашё билан таъминлаб келади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотлари ва уларни сақлаш ҳамда қайта ишлаш экин майдонларни оптималлаштишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини талаб ва таклиф қонунлари асосида ривожлантириш учун тармоқдаги эркин фаолиятни қўллаб – қувватлаш, турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларида фойдаланиш, уларга қонунда таъқиқланмаган тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланиш шароитини яратиб бериш, иқтисодий муносабатларни шартномага асосан олиб бориш, инвестицияларни жалб этиб, фан техника ютуқлари, янги техника ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ҳамда меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, имкон даражасида харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчи ва хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш ҳисобига даромадларни кўпайтириш йўлларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда бозорни, қишлоқ хўжалигини ва ҳалқимизни ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Президентимиз И.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” мавзусидаги китобида қишлоқ хўжалигига баҳо бериб, фермер хўжаликлар тўғрисида “Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишни энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда”<sup>1</sup> деб ёзиб ўтган.

Давлатимиз томонидан фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга устивор вазифа деб қарашиб алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда фермер хўжалигини ташкил топиши, ривожланиши ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб уларни амал қилиниши учун барча шарт-

---

<sup>1</sup> И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон. 2009 й.

шароитлар яратилди. Бу сохада ер кодекси, фермер хўжалиги, ер кадастри, тадбиркорлик ва шу каби бошқа қонунлар қабул қилинди ва қишлоқ хўжалигида юз бераётган чуқур таркибий ўзгаришларга мос ҳолда мунтазам такомиллаштириб борилмоқда.

Қонунларни ҳаётга тадбиқ этилиш ва самарали фаолият кўрсатишда Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўз вақтида қабул қилиниб ҳаётга тадбиқ этилаётган қонунлар, қарорлар ва фармонлар ўзини ижобий натижаларини бермоқда.

Жаҳон иқтисодий инқрози ҳамда унинг кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига таъсири, бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шунга қарамасдан Республика иқтисодиёти йилдан-йилга барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносибликни таъминлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов тамонидан “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусида мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида жорий йилда яратиладиган ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга, шундан саноатда 8,3 фоизга ва қишлоқ хўжалигида 6,9 фоизга, ўсганлигини. 2014 йили – 8050 минг тонна ғалла, 3400 минг тонна пахта етиштирилганлиги ҳамда 2015 - йилга мўлжалланган асосий иқтисодий ривожлантириш йўналишлари белгилаб берилди:

“Биринчи навбатда, жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган

тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарур.

Иккинчидан. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айти мана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ.

Учинчидан. Иқтисодиётимизда давлатнинг иштироки қай даражада эканини танқидий баҳолаш, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш зарурлигини алоҳида таъкидлашни ўринли деб биламан.

Тўртинчидан. Корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш жиддий эътиборни талаб қилади.

Бешинчидан. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришнинг энг муҳим манбаи ва омилидир”<sup>2</sup>.

Эркин иқтисодиёт, хўжалик юритишни оқилона йўллариини излаб топишни талаб қилади. Бу эса экин майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, харажатларни тежаш, даромадни, фойдани ва рентабелликни ошириш, асосий воситалардан ҳамда тиркалма агрегатларидан, айланма фондлардан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни камайтириш имконини беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омилларни барчаси ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлайди. Хўжалик

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишлари

фаолятининг якуний натижаси даромад (фойда) ҳисобланади, уни кўпайтириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиялардан, меҳнат ресурслардан ва экин майдонларидан самарали фойдаланиш зарур.

Фермер хўжаликларида экин майдонларини оптиаллаштириш ҳисобга, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиб келувчи асосий воситалардан, айланма фондлардан, инвестициялардан ва малакали кадрлардан мақсадли ва мутаносиб равишда фойдаланиш имкони кўлга киритилади.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатиб келувчи фермер хўжаликлар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда нақадар экин майдонлари балки тупроқ унумдорлиги ҳам катта таъсир кўрсатади, аммо тупроқ унумдорлиги йилдан – йилга камайиб бормоқда.

Хўжаликни тупроқ унумдорлиги қанча юқори бўлса, хўжаликни моддий манфаотдорлиги ортади, сарфланган харажатларни тўла қоплаш имконига эга бўлади, зарурий юқори қувватга эга бўлган техникалар ва янги технологиялар ишлаб чиқаришга тезкор жорий этилади, ишчиларни моддий манфаотдорлиги ортади, такрор ва кенгайтирилган ишлаб чиқаришни ташкил этишда давлат ва банк кредитларига муҳтожлик камаяди.

Фермер хўжаликлар ҳажмига объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатмоқда. Буларга давлат буюртмаси бўйича сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ҳажми, турли ташкилотларга сотиш режалаштирилган, аъзоларга иш ҳақи ҳисобидан бериладиган ва ички эҳтиёж учун олиб кўйилган маҳсулотлар ҳажми таъсир кўрсатиш мумкин. Шу билан биргаликда фермер хўжаликларни экин майдонларини ҳажмига мавжуд бўлган асосий воситалар ва улардан фойдаланиш ҳолати, асосий воситалар қуввати, тиркалма агрегатлар билан таъминланиш ҳолати таъсир кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати мустақиллигини дастлабки йилларида хўжалик ерларини оптималлаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, даромадларини оширишга эътибор бериб келган. Бу борада пахта экин майдонларини камайтириш, буғдой, сабзавот, полиз, мева, узум, гўшт, сут, тухум, пилла етиштиришни кўпайтириш, кўп тормоқли фаолият билан шуғулланиш имкониятини яратиб бериш, имтиёзли кредитлар бериш ва бошқа бир канча чора-тадбирларни амалга ошириб келган ва бу борада ишлар давом этмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун хўжаликларни моддий техника таъминотини мустаҳкамлаш, юқори ҳосил берадиган навларни яратиш, маҳсулот етиштириш технологиясини замон талабларига мослаш ҳамда уруғчилик ва селекция ишларини ташкил этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари кучайтирилди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар, ерларни ўз эгаларига топшириш, хўжаликлар шаклини ўзгартириш, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда хўжалик фаолиятини ихтисослаштириш, суғориладиган ҳар бир гектар ердан унумли фойдаланиш билан боғлиқ чора-тадбирлар фермер хўжаликларидан самарали фойдаланишга катта ҳисса қўшиши мумкин.

Фермер хўжаликларини ҳозирги кундаги ҳажмидан келиб чиққан ҳолда мен Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалигида экин майдонларини оптимал ҳажмини белгилашни иқтисодий самарадорликка таъсири» мавзусида битирув малакавий ишимни танлаб олдим.

Битирув малакавий ишим – битирув малакавий ишларини ёзиш бўйича берилган тавсияларга ва хўжалик маълумотларига таъянган ҳолда ёзилган.

Битирув малакавий ишимда фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштиришни долзарблиги, эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари ёритилган.

Битирув малакавий ишимни вазифаси – фер хўжаликларида экин майдонларини оптималлаштириш манбалари ва уни иқтисодий самарадорликка таъсири бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мавзуимни асосий мақсади ҳисобланади.

Битирув малакавий ишимда:

-фермер хўжаликларида экин майдонларини оптималлаштириш манбалари ва уни иқтисодий самарадорлигига таъсирини аҳамияти назарий жиҳатдан асосланди ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланди;

-фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштириш йўллари кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди;

-фермер хўжаликлар хажмига таъсир этувчи манбалари ва уларни белгилаш йўллари орқали хўжаликни иқтисодий самарадорлигига таъсири ўрганилди;

-фермерлар томонидан зарурий воситаларга эгалик қилиш лозимлиги ва уларни экин майдонларига таъсир этишлиги қиёсий таҳлил қилинди ва баҳо берилди;

-фермер хўжаликларни экин майдонларини оптималлаштириш манбалари ва уларни белгилаш йўллари топиш ҳисобига моддий манфаатдорлигига таъсири кўрсатиб ўтилди;

-фермер хўжаликлар экин майдонларини оптималлаштиришда таъбiiй иклим шарт-шароитларини таъсири юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

-фермер хўжаликларида экин майдонларини оптималлаштириш бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланди;

Битирув малакавий ишимни илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

-фермер хўжаликлар томонидан экин майдонларини оптималлаштириш йўллари амалга ошириш ҳисобига хўжаликни иқтисодий самарадорлигини яхшилашга таъсири, назарий жиҳатдан асослаб берилди ва унга таъсир этувчи омиллар таъсифланди;

-фермер хўжаликлар экин майдонларини оптималлаштириш манбалари ва уларни белгилаш йўллари бўйича рағбатлантириш ва моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди;

-фермер хўжаликлар экин майдонларини оптималлаштириш асосий ва айланма фондлардан ҳамда меҳнат ресурслардан самарали фойдаланиш хўжаликни иқтисодий кўрсаткичларига таъсири кўрсатиб ўтилди ва тавсиялар тайёрланди;

-фермер хўжаликлар экин майдонларини оптималлаштириш йўлларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ресурслардан самарали фойдаланишга таъсири бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишимни натижаларини илмий ва амалий аҳамияти:

- мавзу бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар хўжаликни экин майдонларидан, ишлаб чиқариш воситаларидан, инсон меҳнатидан тўлароқ фойдаланиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишчиларни моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишим киришдан, 3 бобдан иборат бўлган асосий қисмдан ҳамда мавзу юзасидан ёзилган таклиф ва мулаҳазалардан ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишимни кириш қисмида танланган мавзуни бозор иқтисодиёти шароитида долзарблиги, ўрганилган даражаси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва олинган натижаларни назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи боб: Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида экин майдонларини иқтисодий самарадорлигини оширишни илмий-услубий асосларига бағишланган:

Биринчи бобни биринчи қисмида - Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида экин майдонларидан фойдаланишни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритилган.

Биринчи бобони иккинчи қисмида - Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида экин майдонларини белгилашни илмий ва услубий асослари ёритилган.

Иккинчи боб: Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланишни иқтисодий ҳолати ва таҳлилига бағишланган.

Иккинчи бобни биринчи қисмида - Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини табиий иқтисодий тавсифи ёритилган.

Иккинчи бобни иккинчи қисмида - Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш ҳолати ва таҳлили ёритилган.

Учинчи боб: Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштиришга таъсир этувчи омилларига бағишланган.

Учинчи бобни биринчи қисмида - Деҳқончилик тармогида экин майдонлардан фойдаланишни ташкил этиш технологиясига бағишланган.

Учинчи бобни иккинчи қисмида - Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштиришга таъсир этувчи омиллар ёритилган.

Учинчи бобни учунчи қисмида - Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланишни яхшилаш йўлларига бағишланган.

Битирув малакавий ишини сўнгида мавзу юзасидан хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

## **1 боб. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида экин майдонларини иқтисодий самарадорлигини оширишни илмий-услубий асослари:**

### **1.1 Иқтисодий эркинлаштириш шароитида экин майдонларидан фойдаланишни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.**

Ерларни жамиятдаги аҳамияти бекиёсдир. Унда фуқаролар яшаши учун бинолар қурилади, корхона ва хўжаликлар макон тарзда жойлашади, турли маҳсулотлар етиштирилади. Фермер хўжаликлари ўзларини ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда ер – сув, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиб келишади. Ер қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини яратишда бевосита иштроқ этувчи ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида муҳим ўрин тутди. Ердан фойдаланиш жараёнида фуқаролар, корхона ва ташкилотлар, давлат идоралари маълум бир муносабатга киришадилар. Бу ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар бўлиб, уларнинг йигиндиси биргаликда жамиятнинг ер муносабатлари тизимини ташкил этади. Демак, ерларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги аҳамияти улкан. Ерга уруғ, кўчат экиб, ишлов бериш натижасида турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади. Яний, тармокда етиштириладиган барча турдаги маҳсулотлар ердан, сувдан фойдаланган ҳолда олинар экан. Инглиз иқтисодчиси Уильям Петти “ер - бойликнинг онаси...” деб айтиб ўтди.

Қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва уларни ҳажми бевосита етиштириладиган маҳсулотлар ҳажмига, асосий воситалар тури ва миқдори, айланма фонлардан фойдаланиш ҳажми ва қийматига, ишчи кучи талабига, фаолиятни амалга оширишда зарур бўлган кредит ҳажмига ва инвесторларни жалб қилишга маълум таъсирини ўтказди.

Республика деҳқончилиги суғоришга асосланган. Шунинг учун сув ҳам ер каби энг зарур восита ҳисобланади.

Республикада деҳқон ва фермер хўжаликларни ташкил этиш учун ер ресурслари ажратиш Ўзбекистон Республикаси конунчилик ҳужатлари асосида амалга оширилади. Деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги кооперативини ерлари шу хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман ҳоқими қарори билан берилди. Бунда куйдаги тамойилларга амал қилиб келинмоқда:

- хўжаликнинг ер, сув, меҳнат ва моддий ресурслардан тўғри фойдаланишини таъминлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш;

- ер, сув, атмосфера ва бошқа табиий ресурсларни эрозия, чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш йўли билан ифлосланишлардан муҳофаза қилиш;

- ерни беришда меҳнат истемоли баланси, турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозор конъюктураси ҳамда ердан фойдаланишда агроэкологик шартларидан келиб чиқиб, хўжалик ишлаб чиқариш ихтисослашувига таркибий муносабатларнинг мослиги;

- сувдан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш учун ташкилий шароитларини яратиш;

- хўжаликнинг ижтимоий ва иқтисодий шароитлари, ердан фойдаланишнинг экологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

- ернинг агроэкологик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ер участкаларни ажратиш ва ер солигини белгилаш;

- ернинг бир бутунлигини, бир жинслигини, экологик мувазанат ва хавсизлиги ҳамда участканинг битта суғориш захобчасидан фойдаланишни таъминлаш;

- мавжуд суғориладиган ерларни сақлаш, уларнинг кичик участкаларга бўлинишига йўл қўймаслик, чунки у ҳолда қишлоқ хўжалиги техникасини қўллаш ва суғориш ишларини бажаришда ноқулайликлар туғилади.

Фермер хўжаликларини ер участкаларга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари конун ҳужатларда

белгиланган. Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ғаров, ҳадя, айрибошлаш объекти бўлиши, шунингдек, иккиламчи ижарага бериш мумкин эмас. Фермер хўжалиги кредитлар олиш учун ўз мол-мулкани, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ғаровга кўйишга ҳақли. Фермер хўжалигига берилган ер учаскаси бўлиниши мумкин эмас. Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари факат фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Фермер хўжаликлари ердан фойдаланишда куйдагиларга риоя этишлари лозим:

- ер участкасидан қатъий белгиланган мақсада фойдаланиш;

- табиий объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик;

- ер участкасини асраш, уни унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф харажатлар кишиш:

Қишлоқ хўжалигида олинаётган маҳсулотлар, масалан, пахта, шоли, тамаки, сабзавот, полиз, маккажухори, бугдой арпа, ем-хашакларнинг аксарият қисми суғориладиган ерларда етиштирилади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 95 фоизга яқини суғориладиган ерлардан олинади. Саноатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни қондирилишида ер ва сувнинг аҳамияти жуда катта. Ерлардан, сувлардан қанчалик оқилона, самарали фойдаланилса, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хажми шунчалик кўпаяди, натижада юқорида таъкидланган талабларни қондириш ортади. Лекин, ердан асосий восита сифатида фойдаланишда унинг бир қанча хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

- ер майдонининг чекланганлиги ва такрор ишлаб чиқарилмаслиги. Она замин табиатан чекланган, унинг майдонини инсон кенгайтира олмайди. Чунки у табиат маҳсули ҳисобланади. Бошқа асосий воситаларни, масалан,

тракторларни, машиналар талабини кондиритиш мақсадида хоҳлаганча ишлаб чиқариш мумкин;

-ернинг табиат маҳсули, ерни табиат яратган. Шунинг учун унинг келажакдаги тақдир табиатга боғлиқ. Бошқа асосий воситалар, яни бинолар, иншоотлар, комбайнлар, тракторлар инсон меҳнатининг маҳсулидир. Зарурият туғилганда улар инсон томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. Ерни эса инсон ишлаб чиқара олмайди;

-ер қишлоқ хўжалигининг абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Республика ҳудудида мавжуд бўлган ерлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда биздан олдинги авлодлар фойдаланилган, ҳозирги давирда биз фойдаланмоқдамиз, келажакда эса авлодларимиз фойдаланади.

-ерни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юриш имконияти чекланган. Ундан жойлашган мақонида, стационар ҳолатда оқилона фойдаланиш мумкин. Лекин машина ва тракторларни талаб этилган жойга олиб бориб, турли ҳилдаги ишларни амалга ошириш, бино-иншоотларни ҳам талаб этилган жойга қуриш мумкин;

-ерни юқори қатлами ҳисобланган тупроқ унумдорлигининг мавжудлиги, яхши қараш натижасида унинг ошиб бориши. Дарҳақиқат, тупроққа вақтида ишлов берилса, ўғитланса, унинг унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Лекин бошқа асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши оқибатида жисмоний жиҳатдан ишдан чиқади. Улар вақт ўтиши билан фан-техника тараққиёти натижасида маънавий жиҳатдан ҳам эскиради.

Лекин ерга эътибор берилса, унга фан-техника ютуқларини жорий этган ҳолда оқилона, самарали фойдаланилса, унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Аммо бу, унинг унумдорлиги чекланган, дегани эмас. Шундай экан, ернинг унумдорлигидан тадбиркорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигида ернинг юқори катлами ҳисобланган тупроқ унумдолиги қатта аҳамият касб этади. Ҳаётда тупроқ унумдорлигининг куйдаги турлари мавжуд; табиий, сунъий ва иқтисодий унумдорлик.

Тупроқнинг табиий унумдорлиги – табиат маҳсулидир. У табиатни таъсири натижасида узок йиллар мабойнида шаклланади. Унинг ҳолати куёш нури ҳамда ёгингарчилик миқдориға, шамол ва сувларнинг таъсириға боғлиқдир. Уларнинг ижобий таъсирида тупроқ табиий унумдорлиги яхши бўлади.

Сунъий ва иқтисодий унумдорлик эса инсон меҳнати натижасида шакллантириб, оширилиши мумкин. Жумладан, меҳнат, маблағ сарфлаб, ерларнинг ирригацион, мелиоратив ҳолатини яхшилаб, уруғ экиб, уларни ўғитлаш, яхши сифатли ишлов бериш оркали тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги юксалиши мумкин. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг сифати ҳам барча вилоятларда бир хилда бўлмай, бир-бирларидан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида”<sup>3</sup> дир.

Моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида ер асос (базис) ва ишлаб чиқариш воситаси сифатида қатнашади. Ерга нисбатан турли мулкчилик шаклларининг қўлланилиши республикамизда мавжуд ер ресурсларидан тўлиқ, самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш учун тўлиқ шароит яратади. Ер тузиш халқ хўжалигининг соҳаларида ва аниқ қишлоқ хўжалик корхоналарида амалга оширилиб, ҳукуматимизнинг аграр сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 55-моддаси. Т. Ўзбекитон. 2014й

## **1.2 Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида экин майдонларини белгилашни илмий ва услубий асослари.**

Қишлоқ хўжалиги — мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоғ юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хом-ашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90% га яқини қишлоқ хўжалик тармоғида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш санотига хом-ашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мухтарам Президидентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ислох қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан техника ютуқларини, янги техникаларини ва илғор технологияларини жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Инсон фаолиятини барча соҳаларида замонавий техника ва технология қанчалик тарраққий этмасин жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий-маиший ҳаёти қишлоқ хўжалиги фойдаланиб келинаётган экин майдонларига ва маҳсулот ишлаб чиқаришни олиб бориш даражасига ҳамда меҳнат маданиятига боғлиқ.

Ўзбекистонда экин майдонларидан унумли фойдаланиш борасида жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйишда экин майдонларини хассаси катта.

Қишлоқ хўжалигини кенг маконда фаолият кўрсатиши, аҳолининг асосий қисмини қишлоқларда истикомат қилиб келишига ва уларнинг малака ва кўникмалари бевосита қишлоқ хўжалиги экинларни парвариш қилишга мос келади.

Қишлоқ хўжалигида экин майдонлардан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш борасида тармоққа инвестицияларни жалб қилиш, имтиёзли кредитлар бериш, бюджетдан молиявий таъминлашни кенгайтириш ва бошқа иқтисодий тадбирларни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар ва уларни янада чуқурлаштириш борасидаги амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар негизида экин майдонлари ётибди. Айнан бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ҳукукий асосларни яратишда, экин майдонларидан фойдаланишни жамоа, ижара шакллари ташкил этишда, ерни хусусий мулк кўринишида фермер ва деҳқон хўжаликларига бериш негизида ер участкалари ва унинг экин майдонлари ётибди.

Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бу узоқ муддатга мўлжалланган мақсадни аниқлаш, ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимини тўғри белгилаш, хўжаликни оқилона юрита олишга боғлиқ, зарурий ресурсларни шакллантириш, хўжаликни ички муносабатларини тўғри белгилаш, ҳисоб ва назорат, ҳамда режадаштиришни самарали тизимини жорий қилиш, сифатли товар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ишловчиларга қулай шароит яратиш демакдир.

Аграр соҳанинг мақсади мамлакатимиз аҳолисини ва саноатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга бўлган талабини тўлароқ қондиришдан иборат. Мамлакат озиқ-овқат хавсизлигини таъминлаш, мавжуд аграр ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали давлатимизнинг иқтисодий қудрати ва аҳоли фаровонлигини яхшилашдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарни экин майдонлари ва уларни ҳажми, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиб келинаётган асосий воситаларни кўпайтириш ҳамда доимо яхшилаб боришни тақазо этмоқда.

Ерлар фойдаланиш йўналишлари бўйича асосий икка гуруҳга бўлиб олишимиз мумкин, яний қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келувчи ерларга ва қолгани барча бошқа фойдаланувчиларга.

Қишлоқ хўжалик ахамиятига эга бўлган ерлар – деб, қишлоқ хўжалиги эҳтиёждарига ажратилган, шунингдек шу мақсадларда ҳудудий режалаштиришга мувофиқ белгиланган ер майдонларига айтилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларига; хайдаладиган ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва яйлов – ўтлоқлар қиради. Улар ўзоро усимликларни табиий ва инсон фаолияти билан таъсир кўрсатиш, яъни қўлланиладиган агротехнологик тадбирларнинг мажмуаси бўйича фарқланади.

Ўзбекистоннинг ер фонди 44.74 миллион гектарни ташкил этади. Шундан 28.1 миллион гектари ёки 62.8 фоизи қишлоқ хўжалик ерларини ташкил этади. Ўрмон хўжалиги корхоналарига ер фондининг 11.2 фоизи ёки 5 миллион гектари, чўл-тоғ олди минтақасида жойлашган захирадаги унумдорлиги паст ерларга 4.7 миллион гектар ёки 10.5 фоизи, саноат ва транспорт ерларига 4.0 фоизи ёки 1.8 миллион гектари ва аҳоли манзилгохлариг эгаллаган ерларга 0,5 фоизи ёки 0.2 миллион гектар тўғри келади. Бошқа мақсадларда 4.94 миллион гектар ёки 11.04 фоизи ерлар тўғри келмоқда. Қишлоқ хўжалик ерлари ичида ўтлоқлар ва айниқса яйловлар (83.5 фоизни) катта салмоққа эга. Ундан кейинги қаторларда хайдаладиган ерлар (14.9 фоиз), кўп йиллик экинлар –боғлар ва тоқзорлар (1.4 фоиз) жойлашган. Ўзбекистон бўз ерларининг салмоғи анча пастлиги (0.2 фоизи) билан ажралиб туради. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ва бошқа турдаги ерларнинг улуши Республика жами ер фондининг 37.5 фоизига тенг. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ерлар-қишлоқ хўжалик ерлари деб номланади. Қишлоқ хўжалик ерлари - хайдаладиган ерлардан, яйлов ва пичанзорлардан, кўп йиллик дарахтзорлардан иборат.

Ҳудуди чўл ва дашт минтақаларида жойлашган Наввой, Бухоро, Сурхандарё, Хоразм, Кашкадарё, Тошкент вилоятларида яйловларнинг салмоғи анча юқори.

Хайдаладиган ерларнинг энг катта миқдори Кашкадарё, Жиззах, Самарканд, Наманган, Андижон, Фаргона ва Наманган вилоятларида жойлашган.

Фойдаланиб келинаётган ерларнинг энг маҳсулдор ва самарали қисми суғорма ерлар ҳисобланади.

Ўзбекистон – қадимдан суғорма деҳқончилик мамлакати бўлиб келган. Суғорма деҳқончилик озиқ-овқат соҳасида Республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбаидир.

Ўзбекистон ҳозирда жаҳонда суғорма Деҳқончилик марказларидан бири ҳисобланади. Суғориладиган ерларининг умумий майдони салкам 4.3 миллион гектарни ташкил этиб, унинг асосий қисми тупроқ-сув шароити нисбатан қулай бўлган водий ва воҳоларда жойлашган. 1960 йилларга нисбатан суғориладиган ерлар ҳажми икки мартадан зиёд кўпайган.

Ҳозирги кунда Республикамизда суғорма деҳқончилик юқори ривожланган, қадимги суғорма деҳқончилик марказлари ўзларининг маҳкаларини сақлаб қолдилар. Мирзачўлнинг ўзлаштирилган ҳудуди ўрнида Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари барпо қилинди. Ушбу вилоятларда бугунги кунда мамлакатдаги жами суғориладиган ерларнинг 15.4 фоизи жойлашган.

Ўзбекистонда блғлар ва тоқзорлар эгаллаган майдон 0.4 миллионга тенг. Унинг катта висми Фаргона водийси, Самарканд ва Тошкент вилоятларига тўғри келади. Кашкадарё ва Сурхандарё вилоятларида ҳам боғдорчилик ва тоқзорчилик яхши ривожланган, аммо ушбу тармоқларни ҳажми кичик майдонларни эгаллайди.

Ўзбекистонда сўнги йилларда томорқа хўжалигини ривожданишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида суғорма экин майдонларини камаишига олиб келади. Республикада ҳайдаладиган ва суғориладиган ерларнинг аҳоли эон бошига ҳисобланган кўрсаткичлари йилдан-йилга камаймоқда. Сўнги 10 йил ичида аҳоли жог бошига тўғри келувчи ерларнинг

майдони 15.6 фоизга, суғориладиган ерлар эса 9.0 фоизга қисқарди. Бу эса аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик корхоналарини эса асосий ишлаб чиқариш воситаси – ер билан таъминлаш борасида кўшимча кийинчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ерларнинг сифати ҳам йилдан-йилга ёмонлашиб уларнинг унумдорлиги пасаймоқда.

Сўнги йилларда тупроқ унумдорлигининг энг муҳим омили гумуснинг салмоги 30-50 фоизга камайди. Бугунги кунда гумус билан таъминланганлик даражаси ниҳоятда паст (0.4-1 фоиз) бўлган тупроқлар суғориладигин ерларнинг салкам 40 фоизини эгаллайди.

Минераллашган грунт сувлар сатхини баландлиги ва тупроқнинг шўрлашганлиги суғориладиган ерларнинг сифатини ва унумдорлигини пасайтирмоқда, ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кескин камаишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон олимлари тамонидан ер ва улардан самарадорли фойдаланиш юзасидан турли имлий изланишлар олиб боришган ва улар ҳақида қуйдаги фикрларни билдиришган:

Профессор Ф Жўраев “...Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер вам бошка ишлаб чиқариш воситалари, ҳамда деҳқон меҳнати билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар, аграр муносабатларининг асосини ташкил этади ва бу муносабатлар бозор тизимида янгича маъно-мазмунга эга. ....Бозор тизимида, қишлоқ хўжалик корхоналари энг асосий ҳал қилувчи фаолият доираси бўлибгина қолмай, балки ер ва бошка ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш воситаси ҳамдир...” деб ёзган эди. (Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Дарслик. Т-2004 йил. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг “Истиклол” нашриёти. 5-бет).

Профессор А.Абдуғаниев “... Ер-сув умум миллий бойликдир. Ўзбекистон Республикаси ҳалқи ҳаёти, фаолият ва фарованлигининг асосий

сифатлари уларни окилона ҳамда самарали фойдаланиш зарурлиги “Ер кодекси”да, “Сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда алоҳида таъкидланган. Республика ҳудудидаги барча корхоналар, фуқоролар бу қонуний талабни бажаришлари шарт. Шунинг учун улар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, сувни ифлос қилмасликка, шунинг негизидан улардан талаб даражасида самарали фойдаланишга катта эътибор беришлари лозим. Шу маъсулиятни ҳис этган ҳолда қишлоқ хўжалиқ корхоналари уни ижобий ҳал этишга, фойдаланиш мумкин бўлган майдонлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга интиломқдалар. (Қишлоқ хўжалиқ иқтисодиёти. Дарслик. Т-2004 йил. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 86-87 бетлар).

Профессор Б.Т.Салимов ва бошқалар “... Дехқон ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг асосини ер-сув ва меҳнат ресурслари ташкил этади. Ер қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини яратишда бевосита иштроқ этувчи ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида муҳим ўрин тутди. Ердан фойдаланиш жараёнида фуқоралар, корхона ва ташкилотлар, давлат идоралари маълум бир муносабатга киришдилар. Бу ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар бўлиб, уларнинг йигиндиси биргаликда жамиятнинг ер муносабатлари тизимини ташкил этади. Бу муносабатлар қонунлар билан тартибга солиниб, ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади. (Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўқув қўлланма. Т-2004. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 38 бет ).

Профессор П.Умирзаков “... Қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, қишлоқнинг ерга ишлов бериши билан ишлаб чиқариш шаклланади. Ер бир пайтда меҳнат предмети (меҳнатга йўналтирилган объект сифатида) ва меҳнат қуроли (ерга зарур биологик шароитларни тугдириш натижасида ўсимликлар ривожланади) сифатида қишлоқ хўжалигида юзага келади. Ер ҳар бир халқнинг асосий бойлигидир.

(Фермер хўжалигининг иқтисодиёти. Т-2007 йил. “Иқтисод-молия” нашриёти. 27-бет.).

Профессор Ғ.Саматов ва бошқалар Қишлоқ хўжалиғи мулки, таркиби ва аҳамияти ҳақида тушунча беришда куйдагиларни ёзган “... Ҳар қандай қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқариш учун маълум бир ер, меҳнат, моддий, техник манбалари-ресурсларига эга бўлади. Уларнинг барчаси биргаликда ресурс имкониятларини ташкил қилади. Бошқача айтганда, ресурс имконияти бу аграр тамоқ ва хўжаликларнинг технологик кирим ва чиқим баланслари мувазанати даражасига боғлиқ бўлмаган бойликлар йигиндисиدير...” (Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Дарслик. Т-2005 йил. ТошДУ. “таҳририят-Нашриёт бўлими. 60-бет).

**2.606 Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланишни иқтисодий ҳолати ва таҳлили.**

**2.1 Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини табиий иқтисодий тавсифи.**

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган экин майдонлари ва уларни ҳажми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб-чиқаришни кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга катта ҳисса кўшиб келмоқда. Хусусан, хўжаликларини йириклаштириш экин майдонларини оптималлаштириш ишлаб-чиқаришга янги ва илғор технологияларини жорий этиш, экин навларини яхшилаш, уруғчилик селекция ишларини тубдан яхшилаш, асосий воситалар билан тахминлаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Яратилган шарт-шароитларга асосан 2006 йили Избоскан туман ҳокимининг 26 декабрдаги 337-К сонли қарори билан 35.2 гектарга эга бўлган “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги собиқ “Шарқ Юлдузи” ширкат хўжалиги негизида ҳуқуқий шахс сифатида ташкил топди. 2009 йили Избоскан туман ҳокимлигини “Фермер хўжаликларни кенгайтириш” қарорига асосан массивдаги “Тўрткўллик Валижон” фермер хўжалигини 34.4 гектар ери кўшилган ва ҳозирги кунга келиб “Тўрткўл Қаҳрамон” фермер хўжалигини ер участкаси 69.6 гектарни ташкил этмоқда. Фермер хўжалигига ер участкалар 49 йил муддатга ижара шаклида фойдаланиш учун берилди.

“Тўрткўл Қаҳрамини” фермер хўжалиги Избоскан туманини “Шарқ Юлдузи” массивини Тўрткўл қишлоқ фуқоролар йиғинини Тўрткўл қишлоғида жойлашган. «Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги қулай шарт-шароитга эга бўлган, аҳоли пунктига яқин жойлашган, оқава сув билан таъминланган, ўртача тупроқ унумдорлигига эга бўлган, текисликда жойлашган ўртача фермер хўжаликлар қаторига киради.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжалигининг жойлашган ўрни қулай бўлиб, келажакда бу имкониятлардан самарали фойдаланиш мумкин.

“Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини об-хаво ва иқлим шарт-шароити келтирилган. Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини жойлашган ҳудудининг табиий-иқлим шарт-шароити кескин континентал (ўзгарувчан) бўлиб, ёз кунлари иссиқ, қиш кунлари эса совуқдир. Ёз фаслида ҳаво ҳарорати +36 +40 даражагача кўтарилса, қиш фаслида -14 - 15 даражагача пасайиши мумкин. Йиллик ёғин миқдори талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли суғориб деҳқончилик қилинади. Хўжаликаги ўртача кунлик ҳарорат 18 градусга ва намлик 22,0 миллиметрга тенг.

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги ўзини иқтисодий муносабатларини олиб боришда асосан тумандаги Пахта тозалаш заводи, Дон маҳсулотлари қабул қилиш шохобчаси, туман ОАЖ МТПси, туман Узишлоқхўжаликкимё ташкилоти, туман Пиллакашлик корхонаси, туман Ёнилғи мойлаш материалларини тарқатиш нефтибазаси, Ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш ташкилоти, Сув истеъмолчилари уюшмаси, шу билан биргаликда тумандаги молиявий институтлар бўлмиш банк, молия, солиқ, суғурта ва бошқалар билан олиб бормокда.

Хўжалик Избоскан туманининг “Узишлоқхўжаликкимё” ОАЖдан 7 километр, туман Дон қабул қилиш маскандан 6 километр, Пахта тозалаш заводида 7 километр, «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖдан 6 километр, МТП ОАЖ ташкилотидан 6 километр, Ёнилғи мойлаш материалларини тарқатувчи базадан 3 километр, туман Пилла қабул қилувчи шаҳобчадан 8 километр узоқликда жойлашган.

«Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги туман марказидан 6 километр ва вилоят марказидан 12 километр узоқликда жойлашган. Избоскан

туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалиги Пайтуғ-Яккатут автомобил йўлини 3 километр ичкарида жойлашган.

Хўжаликдан асосий ишлаб чиқариш инфратузилмаларни ўзоқда жойлашганлиги транспорт харажатларини ва техникаларга техник хизмат кўрсатишни харажатларини ортиб кетишига олиб келмоқда.

Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалиги ғарб томонидан **“Ўсарполвон баркарор нияти”** фермер хўжалиги билан, жануб томонидан **“Мусафо осмон учкунлари”** фермер хўжалиги билан, шимол томонидан **“Нажмидин Камол хосили”** фермер хўжалигини экин ери билан чегарадош ҳисобланади.

1-жадвал

Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалиги ижарага олдинган ер участкаларини умумий ҳолати қуйдагича.

| Контур тартиб рақами | Умумий ер майдони | Шундан   |                     |            |         |               |             | Бонитет бали |
|----------------------|-------------------|----------|---------------------|------------|---------|---------------|-------------|--------------|
|                      |                   | Экин ери | Тутзор ва ўрмон зор | Арик зовур | Йўл лар | Иморат остида | Бошқа ерлар |              |
| 335                  | 14.1              | 10.0     | 2.6                 | 1.2        | 0.3     | -             | -           | 70.0         |
| 336                  | 11.2              | 9.6      | -                   | 1.3        | 0.3     | -             | -           | 70.0         |
| 337                  | 10.5              | 9.0      | -                   | 1.2        | 0.3     | -             | -           | 70.0         |
| 338                  | 12.6              | 11.0     | -                   | 1.3        | 0.3     | -             | -           | 70.0         |
| 339                  | 11.2              | 9.8      | -                   | 1.2        | 0.2     | -             | -           | 70.0         |
| 340                  | 10.0              | 8.1      | -                   | 1.3        | 0.2     | 0.4           | -           | 70.0         |
| 6та                  | 69.6              | 57.5     | 2.6                 | 7.5        | 1.6     | 0.4           | -           | 70.0         |

**Манба:** Избоскан туманининг Кадастр бўлимини маълумотларига асосан

Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалигига узок муддатга фойдаланиш учун берилган ер участкалари сув билан таъминланган; эскитдан суғориб келинадиган, ўртача маданийлаштирилган, ўртача эрозияга учраган, сизот сувлари 5-6 метр чуқурликда жойлашган, тупроқ банитети 70 баллга тенг бўлган сервитутлари йўқ ерлар таркибидан иборат.

Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалигига бриктирилган ер участкалари бта контурдан иборат бўлган 66.9 гектар ерни узоқ муддатга фойдаланиш учун давлат томонидан ижарага берилган.

2-жадвал

Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалигини ижарага олган ер участкаларини контурлар бўйича тахсимооти.

| т/р      | кон<br>тур<br>рак<br>ами | ўрт<br>ача<br>бон<br>ите<br>т<br>бал<br>л | ер<br>май<br>до<br>ни<br>(га) | Кадастр гурухлари.                   |           |                                |           |                 |           |               |           |                   |            |
|----------|--------------------------|-------------------------------------------|-------------------------------|--------------------------------------|-----------|--------------------------------|-----------|-----------------|-----------|---------------|-----------|-------------------|------------|
|          |                          |                                           |                               | ёмон<br>ерлар                        |           | ўртача<br>дан<br>паст<br>ерлар |           | ўртача<br>ерлар |           | яхши<br>ерлар |           | энг яхши<br>ерлар |            |
|          |                          |                                           |                               | Шу жумладан, кадастр гурухлар бўйича |           |                                |           |                 |           |               |           |                   |            |
|          |                          |                                           |                               | I                                    | II        | III                            | IV        | V               | VI        | VII           | VIII      | IX                | X          |
|          |                          |                                           |                               | банитет баллари                      |           |                                |           |                 |           |               |           |                   |            |
|          |                          |                                           |                               | 1-<br>10                             | 11-<br>20 | 21-<br>30                      | 31-<br>40 | 41-<br>50       | 51-<br>60 | 61-<br>70     | 71-<br>80 | 81-<br>90         | 91-<br>100 |
| 1        | 335                      | 70                                        | 10.0                          | -                                    | -         | -                              | -         | -               | 10.0      | -             | -         | -                 | -          |
| 2        | 336                      | 70                                        | 9.6                           | -                                    | -         | -                              | -         | -               | 9.6       | -             | -         | -                 | -          |
| 3        | 337                      | 70                                        | 9.0                           | -                                    | -         | -                              | -         | -               | 9.0       | -             | -         | -                 | -          |
| 4        | 338                      | 70                                        | 11.0                          | -                                    | -         | -                              | -         | -               | 11.0      | -             | -         | -                 | -          |
| 5        | 339                      | 70                                        | 9.8                           | -                                    | -         | -                              | -         | -               | 9.8       | -             | -         | -                 | -          |
| 6        | 340                      | 70                                        | 8.1                           | -                                    | -         | -                              | -         | -               | 8.1       | -             | -         | -                 | -          |
| Жам<br>и | X                        | 70                                        | 57.5                          | -                                    | -         | -                              | -         | -               | 57.5      | -             | -         | -                 | -          |

Манба: Избоскан туманининг Кадастр бўлимини маълумотларига асосан.

“Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалиги 2011 йил 15 январдан бошлаб Избоскан туман ҳокимлигини № 22 сонли қарори билан қайта ташкил этилган.

Ажратилган ер участкаларни 7,5 гектари арик ва зовурлар, 1,6 гектари йўллар билан, 0.4 гектари иморат билан, 2,6 гектари тут плантация билан ва 57,5 гектари ёки 85,9 фоизи экин майдони кўринишида фойдаланиб келинган. Хўжаликни 57,5 гектарли экин майдонини 34,5 гектарига пахта экини ва 23,0 гектарига буғдой экини экиб келган. Хўжаликни ер участкалари 6 та контурдан иборат бўлиб, тупроқ унумдорлиги 70 балга тенг. Хўжаликни экин майдонининг хажми ва контурлар сони, техника воситаларидан, меҳнат ва

сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини яратиб беради. Хўжаликни ер участкаларини ўртача хажми 9,6 гектарни ташкил этди. Ер участкаларини ҳар 50-60 метирда ўқ-ариклар тортилган. Дала узунлиги 300-400 метрни иборат. Ер участкаларни бу жихатлари суғориш карталарига қўйилган талабларга тўла жавоб беради. Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалик ерларида сизот сувлари 5-6 метр чуқурликда жойлашган. Хўжалик тупроқлари типик бўз тупроқдан иборат бўлиб, тупроқда 1,6-1,8 фоизгача чиринди ва 0,1-0,2 фоизгача азот борлиги билан характерланади. Тупроқдаги чиринди миқдори ўртача. Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалигида ер участкасидан фойдаланиш ҳолати ҳам юқори даражада бўлиб йилдан-йилга пахта ва буғдой ҳосилдорлиги ортиб бормоқда. Экинлардан юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитлардан фойдаланиш зарур. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига соф ҳолида азотли ўғитни 160-200 кг/га; фосфорли ўғити 170-190 кг/га; калий ўғитни 70-95 кг/га ва органик ўғит солиш меъёри 10-15 тоннани ташкил этади.

Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган. Хўжалик ўз фаолиятини узоқ ва қисқа муддатга олган кредит ҳисобига олиб бормоқда. Қисқа ва узоқ муддатли кредитларни йиллик даромад ҳисобига тиклаб келмоқда. Хўжалик ўртача рентабеллик даражасига эга. Фермер хўжалигини 2014 йилги устав фонди 24560 млн сўмни, асосий воситалар қиймати 99.5 млн сумни, дебиторлик қарзлари 1730 минг сўмни ва кредиторлик қарзлари 4287 минг сўмни ташкил этган. Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалиги 2014 йилли жами 160044 минг сўмлик харажат сарфлаб, 199096 минг сўмлик ялпи маҳсулот ва 39052 минг сўмлик фойда олишга эришилган. Хўжаликни асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси 24.4 фоизни ташкил этди. Рентабеллик кўрсаткичи 3 йил ичида атига +0,2 даражага кўпайган. Рентабеллик сезиларли дарожада ўзгамади. Хўжалик уч йиллик

фаолияти ичида олинган даромад 58845 минг сўмга ёки 41.9 фоизга, сарфланган ҳаражат 47156 минг сўмга ёки 41.8 фоизга кўпайган аммо фойда олиш 11689 минг сўмга ёки 42.7 фоизга кўпайган.

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида 2014 йилли жами 39 та аъзо бўлиб, шундан 4 нафари доимий ва 35 таси шартнома асосида ишлаётган аъзолар бўлиб, ишлаб чиқариш буйича иш тажрибалари талаб даражасида, лекин уларни касбий тайёргарлиги ва маълумоти тўғрисида бундай хулосага келиш мумкин эмас. Хўжалик аъзолари ичида 2 та олий 4 таси махсус ўрта ва 33 таси ўрта маълумотга эга. Хўжалик аъзолардан 10 таси эркакларни ва 29 таси айёлларни ташкил этади. Хўжалик аъзолари ичида турли касб эгалари мавжуд, ўлар ичида иқтисодчи, бухгалтер, механизатор, чевар, хамшира, тарбиячи ва бир канча бошқа касб эгалари мавжуд. Хўжалик аъзоларини ўртача ёши 38 ёшга тенг. Хўжаликни доимий ходимларидан ташқари, барчаси 1 йиллик меҳнат шартномасига асосан фаолият кўрсатишиб келмоқда. Фермер хўжалигида фаолият кўрсатиб келаётган ходимларнинг 15 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотлиларни ва 85 фоизи умумий ўрта маълумотлиларни ташкил этади. Юқоридаги келтирилган маълумотлар фермер хўжалиги таркибини ҳали талаб даражасидан анча паст эканлигини асослайди. Шунинг учун хўжалик раҳбарияти ишчиларни касбий тайёргарликка ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ходимлар ҳиссасини кескин ошириш чоратадбирларини кўриши лозим. Мавжуд аъзоларни 23 таси пахта етиштиришда, 5 таси буғдой етиштиришда фаолият кўрсатиб келишмоқда. Бундан ташқари хўжаликда 1 та бошлиқ, 1 та бухгалтер, 1 та кораул-ошпаз, 2 та тракторчи, 6 та сувчи ишлаб келмоқда. Пахта-ғалла етиштиришда фаолият кўрсатиб келувчи аъзоларга экин майдони ажратиб берилган ва улар гектарчи кўринишда ишлаб келмоқда.

## 3-жадвал

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалигининг  
аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот.

| т/р | Аъзоларнинг<br>исми ва шарифи | Туғилган<br>йили | Маълу<br>моти | Касби     | Иш<br>стажи | Бошлиққа<br>аълокаси |
|-----|-------------------------------|------------------|---------------|-----------|-------------|----------------------|
| 1   | Эргашева Р                    | 1951             | олий          | ф/х бош.  | 41          | Ўзи                  |
| 2   | Эргашев К                     | 1950             | олий          | хисобчи   | 42          | Тур. ўрт             |
| 3   | Набиев Л                      | 1962             | ўрта          | кораул    | 28          | Маҳ-дош              |
| 4   | Эргашев К                     | 1970             | м/ўрта        | тракторчи | 22          | Ўғли                 |
| 5   | Эргашев С                     | 1961             | м/ўрта        | тракторчи | 31          | Укаси                |
| 6   | Фозилов Г                     | 1971             | ўрта          | сувчи     | 21          | Маҳ-дош              |
| 7   | Ганиев О                      | 1974             | ўрта          | сувчи     | 19          | Маҳ-дош              |
| 8   | Парпиев Л                     | 1975             | м/ўрта        | сувчи     | 18          | Маҳ-дош              |
| 9   | Маъкамов В                    | 1976             | м/ўрта        | сувчи     | 17          | Маҳ-дош              |
| 10  | Ўлмасов Ё                     | 1977             | м/ўрта        | сувчи     | 16          | Маҳ-дош              |
| 11  | Турсунов К                    | 1972             | м/ўрта        | сувчи     | 20          | Маҳ-дош              |
| 12  | Даминова Д                    | 1972             | ўрта          | гектарчи  | 20          | Маҳ-дош              |
| 13  | Каримова Г                    | 1970             | ўрта          | гектарчи  | 22          | Маҳ-дош              |
| 14  | Кодирова П                    | 1969             | ўрта          | гектарчи  | 23          | Маҳ-дош              |
| 15  | Солиева Р                     | 1965             | ўрта          | гектарчи  | 27          | Маҳ-дош              |
| 16  | Нишанова К                    | 1974             | ўрта          | гектарчи  | 19          | Маҳ-дош              |
| 17  | Акрамова И                    | 1974             | ўрта          | гектарчи  | 19          | Маҳ-дош              |
| 18  | Бегалиева Д                   | 1976             | ўрта          | гектарчи  | 17          | Маҳ-дош              |
| 19  | Маллабоева С                  | 1965             | ўрта          | гектарчи  | 27          | Маҳ-дош              |
| 20  | Дадажанова М                  | 1974             | ўрта          | гектарчи  | 19          | Маҳ-дош              |
| 21  | Кобулова Ш                    | 1974             | ўрта          | гектарчи  | 19          | Маҳ-дош              |
| 22  | Махмудова Л                   | 1976             | ўрта          | гектарчи  | 17          | Маҳ-дош              |
| 23  | Гуламова З                    | 1965             | ўрта          | гектарчи  | 27          | Маҳ-дош              |
| 24  | Ганиева С                     | 1974             | ўрта          | гектарчи  | 19          | Маҳ-дош              |
| 25  | Латипова Р                    | 1974             | ўрта          | гектарчи  | 19          | Маҳ-дош              |
| 26  | Даминова С                    | 1976             | ўрта          | гектарчи  | 17          | Маҳ-дош              |
| 27  | Бахрамова П                   | 1976             | ўрта          | гектарчи  | 17          | Маҳ-дош              |
| 28  | Рахимова Д                    | 1977             | ўрта          | гектарчи  | 16          | Маҳ-дош              |
| 29  | Инакова А                     | 1978             | ўрта          | гектарчи  | 15          | Маҳ-дош              |
| 30  | Толирова Д                    | 1979             | ўрта          | гектарчи  | 14          | Маҳ-дош              |
| 31  | Собирова К                    | 1980             | ўрта          | гектарчи  | 13          | Маҳ-дош              |
| 32  | Пардаева В                    | 1981             | ўрта          | гектарчи  | 12          | Маҳ-дош              |
|     |                               |                  |               |           |             |                      |
| 39  | Комилова З                    | 1983             | ўрта          | гектарчи  | 10          | Маҳ-дош              |

Манба: Избоскан туманининг “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалигини  
маълумотларига асосан.

Мавсумда механизаторларга ва сувчиларга ҳар ойда 250-230 минг сўмдан, гектарчиларга 200 минг сўмдан иш ҳақи тўлаб борилади. Иш ҳақи нақд пул ва маҳсулот кўринишида тўланади. Бундан ташқари фермер хўжалиги томонидан ишчиларга бугдой сомони, ғўзапоя берилади ва бугдойдан бўшаган майдонларда бирор бир экин экиб олиш учун ер ажратиб берилади.

Фермер хўжалик фаолиятини хўжалик раҳбари орқали бошқариб борилади. Фермер хўжалиги раҳбари **Эргашева Раноҳон** 1951 йилда Избоскан туманининг Тўрткўл қишлоқ фуқоралар йиғинда таваллуд топган, маълумоти Олий, Андижон Қишлоқ хўжалик институтини 1973 йилли тамомлаган, олим-аграном мутахассислигига эга

**Эргашева Раноҳон** 41 йиллик иш стажига эга бўлган мутахассис бўлиб, ўз касби бўйича тажрибали аграном, Избоскан туманини **“Шарқ Юлдузи”** ширкат хўжалигида пилла аграноми лавозимида ишлаб келган, турмиш ўртоғи **Эргашев Каримжон** маълумоти Олий, Андижон муҳандилик-иқтисодиёт институтини 1972 йил тугатган, ҳисобчи мутахассислигига эга. **Эргашева Раноҳонни** иш тажрибаси фермер хўжалигини бошқаришда, ишни ташкил этишда ва аъзоларни бошқаришда қўл келмоқда.

**Эргашева Раноҳонни** 2006 йилдан бошлаб **Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони”** фермер хўжалиги бошлиги вазифасини бажариб келмоқда. Жами иш стажы 41 йил бўлиб қишлоқ хўжалигида 41 йилдан буён ишлайди.

**Эргашева Раноҳонни** фермер хўжалигини тендерда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритиш натижасида ташкил этган.

Фермер хўжалиги Избоскан тумандаги Агробанкда ҳисоб рақамини очган ва шу ҳисоб орқали ўзини ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириб келмоқда.

“Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги «Тўрткўл» СИУсига аъзо бўлган. «Тўрткўл» СИУси хўжаликни деҳқончилик ишларини олиб боришда

Катта Фарғона Канали тизимига қарашли “Тўрткўл ариги” сув иншоатидан фойдаланиб экинларга оқава сув билан таъминлаб беради. Айрим ҳолларда хўжалик насослардан ҳам фойдаланиб келади.

Хўжаликда 1 гектар пахта майдони учун 1300 м/куб ва буғдой учун 800 м/куб сув сарфлаган.

«Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги «Фермер хўжаликлар тўғрисида»ги қонунга, туман ҳокимлигининг қарорига, туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган Низомга, Бизнес режага ҳамда туман ҳокимлигининг «Кадастр» бўлими томонидан берилган далолатномага асосан ташкил этилган. Хўжалик фаолияти давлат томонидан чиқарилган қонунларга, қарорларга, фармонларига ва тегишли меъёрий хужжатларга асосан амалга ошириб келинмоқда.

«Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигининг Низом фонди 17.4 млн сўмни ташкил қилади. Фермер хўжалиги ўзига қарашли хўжалик иморатлари, ишлаб чиқариш воситалари, экинзорлари, пул маблағлари ва бошқа мулкларини эгаси ҳисобланади. Фермер хўжалигини пул даромади маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш, қимматли қоғозлардан олинган дивидент ҳисобига шаклланади.

Олган пул даромаддан харажатларни коплаш, иш ҳақи тўлаш, турли ажратмаларни ажратиш, кредит ва устамаларни тўлаш, янги техника ва технологияларни харид қилишга ишлатади.

Хўжалик ўзини иқтисодий муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамсининг 4 сентябр 2003 йилдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштиришнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарорига мувофиқ олиб бормоқда. Ушбу қарорга мувофиқ хўжалик давлат буюртмаси бўйича пахта, ғалла ва пилла сотиш контрактация шартномасини тузган.

Бундан ташқари **Избоскан** туманининг МТП ОАЖ ташкилоти билан қишлоқ хўжалик ишларини механизация воситалари билан бажариб бериш;

«Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ туман шаҳобчаси билан хўжалик экинларини ўғитлашда минерал ўғитларни етказиб бериш; туман нефти базасига қарашли Ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатувчи шаҳобча орқали, хўжаликда қишлоқ хўжалик экинларни етиштиришда бажариладиган механизация ишларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш; хўжалик экинларини хашорат ва зарар кунандалардан ҳимоя қилиш бўйича биолобаратория билан; экинларга сув етказиб бериш бўйича массивдаги СФУ билан шартномалар имзолади.

**Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони”** фермер хўжалиги танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик субъект ҳисобланади.

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олган ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкый жавобгарликни ўз зиммасига олган.

**Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони”** фермер хўжалигини моддий техник базаси ўртача таъминотга эга.

Асосий воситалар деб - ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашиб, ўзининг қийматини маҳсулотга қисман ўтказадиган воситаларга айтилади.

Асосий воситалар таркибига: тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино- иншоотлари, кўп йиллик дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

**Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони”** фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги техникалари ва қишлоқ хўжалиги машиналари билан етарлича таъминланмаган.

Асосий воситаларни 15 млн сўми ёки 6,7 фоизи шийпонни хиссасига, 62,0 млн сўми ёки 44.1 фоизи, трактор хиссасига ва 62,2 млн сўми ёки 28.4 фоизи кишлоқ хўжалик тиркалма воситалар хиссасига тўғри келади.

Бир гектар экин майдони ҳисобига 1730 минг сўмдан асосий воситалар қиймати тўғри келган, шундан 260 мин сўмлик бинолар қиймати, 1078 минг сўмлик тракторлар қиймати ва 387 минг сўмлик тиркалма воситалар қиймати тўғри келмоқда.

Фермер хўжалигида 2005 йилда ТТЗ-80,10 маркали таркторни 48 млн сўмга лизингга олган ва ҳозирги кунга келиб тўлигича тўловини тўлаб бўлди. Бундан ташқари 1 та култиватор ва 1 та сеялкани кредит ва лизинг кўринишда сотиб олган, шу билан биргаликда шийпон, барана, трактор прицеппи ва чизел мосламаси ўз маблағи ҳисобига сотиб олинган.

Барча техникалар ва қишлоқ хўжалик машиналарнинг техник жиҳатдан созлиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

#### 4-жадвал

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигининг асосий воситалари ҳақида маълумот

| т/р | Воситалар тури | Микдор | Маркаси   | Сотиб олинган йили | Баланс қиймати, млн. сўм | Сотиб олиш усули |
|-----|----------------|--------|-----------|--------------------|--------------------------|------------------|
| 1.  | Шийпон         | 1      | Оддий     | 2007               | 18.0                     | Ўз маблағ        |
| 2.  | Тракторлар     | 1      | ТТЗ-80.10 | 2009               | 48.0                     | Лизинг           |
| 3.  | Трактор        | 1      | МТЗ-80    | 2011               | 14,0                     | Ўз маблағ        |
| 4.  | Культиватор    | 1      | КРХ-4     | 2006               | 4.3                      | Кредит           |
| 5.  | Барана         | 1      | БР-3      | 2007               | 3.2                      | Ўз мабл          |
| 6.  | Сеялка         | 1      | СЭ-5      | 2009               | 4.2                      | Лизинг           |
| 7.  | Тр. прицеппи   | 2      | 2ПТС      | 2011               | 6.0                      | Ўз мабл          |
| 8.  | Чизел          | 1      | ЧВ-2      | 2008               | 1.8                      | Ўз мабл          |
|     | Жами           | 9      | х         | х                  | 99.5                     | Х                |

Манба: Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини маълумотларига асосан

Хўжаликда асосий воситалар етарли эмас, келгусида хўжалик рахбари 1та самон присловгич, 1та ўғитловгич ва 1та пурковгич сотиб олмоқчи. Бундан ташқари “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар фермер хўжалиги тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган, йирик ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди.

## **2.2 Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш ҳолати ва таҳлили.**

Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамасдан, давлатимизда 2014 йили юқори ва барқарор ўсиш суратларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносибликни таъминланишга эришилди.

Бунга давлатимиз тамонидан юртимизда фаолият кўрсатиб келувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаётган эътибор, хусусан, имтиёзли кредит балан таъминлаш, давлат буюртмасидаги маҳсулотлар харид нархларини ошириш, инфратузилмаларни ва лизинг тизимини ривожланиши, яратилган солиқ имтиёзлари катта хисса қўшиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган экин майдонларини оптимоллаштириш чора - тадбирлари натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни қондириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, маҳсулотларни бошланғич қайта ишлаш ва сақлаб сотиш соҳаларни ривожланишига эришилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохатлар, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида тадбик этилган инновацион усуллар, давр талаблари нуқтаи назарда қабул қилинган қонунлар, чиқарилган фармонлар Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Шу билан биргаликда давлатимиз томонидан иқтисодиётимизни рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатидан янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, мамлакатимизнинг инвестицион салоҳиятини ва жозибадорлигини ошириш иқтисодиётимизни ривожланишига катта хисса қўшмоқда.

Ушбу натижаларга эришишда Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалиги ҳам ўзига хос ҳисса қўшиб келди.

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалиги Шарк Юлдузи массивида жойлашган, пахта-ғалла етиштиришга ихтисослашган, табиий-иқлим шароити қулай бўлган, тупроғи ўртача унумдорликка эга бўлган хўжаликлар қаторига киради.

5-жадвал

Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қахрамони» фермер хўжалигининг экин майдони ва унинг таркиби

|   | Кўрсаткичлар                | Ўлч бир | 2012 й. | 2013 й. | 2014й | 2014-2012 йилга нисбатан |       |
|---|-----------------------------|---------|---------|---------|-------|--------------------------|-------|
|   |                             |         |         |         |       | +, -                     | %     |
| 1 | Жами ер участкаси           | га      | 69.6    | 69.6    | 69.6  | -                        | 100.0 |
| 2 | Жами экин майдони           | га      | 57,5    | 57,5    | 57,5  | -                        | 100.0 |
| 3 | Экин майдонидан фойдаланиш. | %       | 82.6    | 82.6    | 82.6  | -                        | -     |
| 4 | Пахта майдони               | га      | 30.6    | 32.9    | 34.5  | +3.9                     | 112.7 |
|   | -салмоғи                    | %       | 53.2    | 57.2    | 60.0  | +6.8                     | -     |
|   | -хосилдорлик                | ц/га    | 36.1    | 34.5    | 33.9  | -2.2                     | 93.9  |
|   | -ялпи хосил                 | ц       | 1105    | 1135    | 1169  | +64                      | 105.8 |
| 5 | Бугдой майдони              | га      | 26.9    | 24.6    | 23.0  | -3.9                     | 85.5  |
|   | -салмоғи                    | %       | 46.8    | 42.8    | 40.0  | -6.8                     | -     |
|   | -хосилдорлик                | ц/га    | 66.5    | 66.9    | 66.8  | +0.3                     | 100.4 |
|   | -ялпи хосил                 | ц       | 1789    | 1646    | 1536  | -253                     | 85.8  |
| 6 | Ходимлар сони               | нафар   | 39      | 39      | 39    | -                        | 100.0 |
|   | Шундан-пахтада              | нафар   | 23      | 23      | 23    | -                        | 100.0 |
|   | -бугдойда                   | нафар   | 5       | 5       | 5     | -                        | 100.0 |
|   | -бошқада                    | нафар   | 11      | 11      | 11    | -                        | 100.0 |
| 7 | Ер бонитет бали             | балл    | 70      | 70      | 70    | -                        | -     |

**Манба:** Избоскан туманининг “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалигини маълумотларига асосан

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда фермер хўжалигига бриктирилган ер участкалар хажми ва экин майдони ўзгармаган. Уч йил ичида фермер хўжалигини экин майдонларидан фойдаланиш даражаси 82.6 фоизни ташкил этган.

2014 йили мавжуд экин майдонини 34,5 гектарига ёки 60 фоизига пахта ва 23 гектарига ёки 40 фоизига буғдой экинини экиб келган. Охирги уч йилда хўжаликни пахта экини +3.9 гектарга кўпайган бўлса, буғдой экини - 3.9 гектарга камайган, пахта ҳосилдорлиги -2.2 центнерга камайган ёки 93.9 фоизни ташкил этган ва 33.9 центнерга етди, буғдой ҳосилдорлиги шу давир ичида +0.3 центнерга кўпайган ва 66,8 центнер етган ёки 100.4 фоизни ташкил этган.

Пахта экинида олинган ялпи ҳосил уч йил ичида +64 центнерга ёки 5.8 фоизга кўпайган, буғдойни ялпи ҳосили -253 центнерга ёки 14.2 фоизга камайган, ялпи ҳосилни камайишига буғдой экин майдонларни камайиши сабаб бўлди. Хўжаликни аъзолари уч йил ичида ўзгармаган, бу ҳолат пахта ва буғдой етиштиришда сақланиб қолган.

Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини кўриб чиқадиган бўлсак қуйдаги маълумотларга эга бўламиз.

Уч йил ичида фермер хўжалигининг экин майдони, ходимлар сони ва асосий воситалар қиймати ўзгамаган, жами ишлаб чиқариш харажатлари 25485 минг сўмга, шундан иш ҳақи 7321 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 27562 минг сўмга ва фойда 2077 минг сўмга камайган.

Бир гектар ҳисобига тўғри келган асосий воситалар қиймати ўзгармаган, хўжаликни ишлаб чиқариш харажатлари 443 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 479 минг сўмга, фойда олиш 36 минг сўмга кўпайган. Уч йил ичида бир ходим ҳисобига тўғри келган экин майдони ва асосий воситалар қиймати ўзгармаган бўлса, иш ҳақи 188 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 707 минг сўмга ва фойда олиш 53 минг сўмга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

## 6-жадвал

Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалигининг  
иқтисодий самарадорлиги

| т/р | Кўрсаткичлар        | ўлч<br>бирл | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2014-12й. нис-н<br>%, |              |
|-----|---------------------|-------------|---------|---------|---------|-----------------------|--------------|
|     |                     |             |         |         |         | фарқи<br>+,-          | салмоғи<br>% |
| 1.  | Асосий воситалар    | млн.сўм     | 99.5    | 99.5    | 99.5    | -                     | 100.0        |
| 2.  | Жами экин майдони   | га          | 57.5    | 57.5    | 57.5    | -                     | 100.0        |
| 3.  | Жами ходимлар сони  | нафар       | 39      | 39      | 39      | -                     | 100.0        |
| 4.  | Жами и/ч харажати   | м.сўм       | 112888  | 125565  | 138373  | +25485                | 122.6        |
| 5.  | Шундан-иш ҳақи      | м.сўм       | 23444   | 27292   | 30765   | +7321                 | 131.2        |
| 6.  | Ялпи маҳсулот       | м.сўм       | 140251  | 151622  | 167813  | +27562                | 119.6        |
| 7.  | Фойда               | м.сўм       | 27363   | 26053   | 29440   | +2077                 | 107.6        |
| 8   | Бир гектар хисобига |             |         |         |         |                       |              |
|     | -воситалар қиймати  | м.сўм       | 1730    | 1730    | 1730    | -                     | 100.0        |
|     | -харажат            | м.сўм       | 1963    | 2184    | 2406    | +443                  | 122.6        |
|     | -ялпи маҳсулот      | м.сўм       | 2439    | 2637    | 2918    | +479                  | 119.6        |
|     | -фойда              | м.сўм       | 476     | 453     | 512     | +36                   | 107.6        |
| 9.  | Бир ходим хисобига  |             |         |         |         |                       |              |
|     | - воситалар қиймати | м.сўм       | 2511    | 2511    | 2511    | -                     | 100.0        |
|     | -экин майдони       | га          | 1.47    | 1.47    | 1.47    | -                     | 100.0        |
|     | -иш ҳақи            | м.сўм       | 601     | 700     | 789     | +188                  | 131.3        |
|     | -ялпи маҳсулот      | м.сўм       | 3596    | 3887    | 4303    | +707                  | 119.7        |
|     | -фойда              | м.сўм       | 702     | 668     | 755     | +53                   | 107.5        |
| 10  | Рентабеллик         | %           | 24.2    | 20.7    | 21.3    | -2.9                  |              |

**Манба:** Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалигини маълумотларига асосан

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда фермер хўжалигини даромади ва фойда олиш хажми йилдан йилга кўпаймоқда, аммо иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қисман камайганлигини кўриб олишимиз мумкин. 2014 йилда 2012 йилга нисбатан хўжаликни рентабеллик даражаси -2.9 дарожага камайган ёки 24.2 фоиздан 21.3 фоизга пастлаган.

Хўжаликни эришган рентабеллик даражаси оптимал даражадан анча паст. Оптимал рентабеллик пахта - ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун камида 35-40 фоизни ташкил этиш керак.

Рентабелликни ошириш учун маҳсулот миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, маҳсулот таннархни пасайтириш ва даромадларни ошириш

хисобига эришиш мумкин. Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

7-жадвал

“Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини Избоскан тумани бўйича ўртача пахта-буғдой етиштириш кўрсаткичларини солиштириш.

| т/р | Кўрсаткичлар        | Ўлч бир | Избоскан тумани | «Тўрткўл Қаҳрамони» ф/х | Фарқи +,- |
|-----|---------------------|---------|-----------------|-------------------------|-----------|
| 1.  | Экин майдони        | га      | 14845           | 57.5                    | X         |
| 2.  | Харажатлар          | м.сўм   | 35302000        | 138373                  | X         |
| 3.  | Ялпи маҳсулот       | м.сўм   | 42101000        | 167813                  | X         |
| 4.  | Фойда               | м.сўм   | 6799000         | 29440                   | X         |
| 5.  | Бир гектар хисобига |         |                 |                         |           |
|     | -харажат            | м.сўм   | 2378            | 2406                    | +28       |
|     | -ялпи маҳсулот      | м.сўм   | 2836            | 2918                    | +82       |
|     | -фойда              | м.сўм   | 458             | 512                     | +54       |
| 6.  | Рентабеллик         | %       | 19.2            | 21.3                    | +2.1      |

**Манба: Избоскан туманининг статистик маълумотларига асосан**

“Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини Избоскан тумани бўйича ўртача пахта-буғдой етиштириш кўрсаткичларини солиштириш натижасида бир гектар экин майдони ҳисобига сарфланган харажатлар 28 минг сўмга, ялпи маҳсулот 82 минг сўмга, фойда олиш 54 минг сўмга ва асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлмиш рентабеллик даражаси 2.1 фоизга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги 2014 йили имкониятлардан самарали фойдаланиш хисобига пахта, буғдой етиштиришга етарлича эътибор бериб келган. Натижада 34.5 гектар пахта экин майдонини ҳар гектаридан 33.9 центнердан ҳосил олиб ялпи ҳосилни 1169 центерга етказди. Юқоридаги ялпи ҳосилни етиштириш учун “Тўрткўл Қаҳрамон” фермер хўжалиги бир неча йилдан бери пахтани «Анд-35» навини экиб келмоқда.

**Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалигида пахта экин майдонидан фойдаланишни иқтисодий самарадорлиги**

| т/р | Кўрсаткичлар         | Ўлч бир | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2014-2012 й нисбатан |           |
|-----|----------------------|---------|---------|---------|---------|----------------------|-----------|
|     |                      |         |         |         |         | фарқи<br>+,-         | фоиз<br>% |
| 1   | Экин майдони         | га      | 30.6    | 32.9    | 34.5    | +3.9                 | 112.7     |
| 2   | Хосилдорлик          | ц/га    | 36.1    | 34.5    | 33.9    | -2.2                 | 93.9      |
| 3   | Ялпи хосил           | ц       | 1105    | 1135    | 1169    | +64                  | 105.8     |
| 4   | Жами харажатлари     | м.сўм   | 67626   | 82753   | 95089   | +27463               | 140.6     |
|     | Шундан – иш ҳақи     | м.сўм   | 17515   | 21598   | 25008   | +7493                | 142.8     |
| 5   | Ялпи маҳсулот        | м.сўм   | 75668   | 90323   | 105329  | +29661               | 139.2     |
| 6   | Фойда                | м.сўм   | 8042    | 7570    | 10240   | +2198                | 127.3     |
| 7   | Ходимлар сони        | нафар   | 23      | 23      | 23      | -                    | 100.0     |
| 8   | 1ц пахта таннари     | сўм     | 61200   | 72910   | 81340   | +20140               | 132.9     |
| 9   | 1ц сотиш баҳоси      | сўм     | 68478   | 79580   | 90102   | +21624               | 131.6     |
| 10  | Бир гектар хисобига: |         |         |         |         |                      |           |
|     | -харажат             | м.сўм   | 2210    | 2515    | 2756    | +546                 | 124.7     |
|     | -ялпи маҳсулот       | м.сўм   | 2473    | 2745    | 3053    | +580                 | 123.4     |
|     | -фойда               | м.сўм   | 263     | 230     | 297     | +34                  | 112.9     |
| 11  | Бир ходим хисобига:  |         |         |         |         |                      |           |
|     | -экин майдони        | га      | 1.33    | 1.43    | 1.50    | +0.17                | 112.8     |
|     | -иш ҳақи             | м.сўм   | 761     | 939     | 1087    | +326                 | 142.8     |
|     | -ялпи маҳсулот       | м.сўм   | 3290    | 3927    | 4579    | +1289                | 139.2     |
|     | -фойда               | м.сўм   | 350     | 329     | 445     | +95                  | 127.4     |
| 12  | Рентабеллик          | %       | 11.9    | 9.1     | 10.8    | -1.1                 |           |

**Манба: Избоскан тумани “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалигини маълумотларига асосан**

Ушбу пахта навини етиштириш учун белгиланган агротехник тадбирларга амал килиб келмоқда. Хўжалик 34.5 гектар пахта майдонидан мўл-кўл ҳосил олиш учун органик ўғит жамғариш, далага органик ўғит ташиш, органик ўғит солиш, минерал ўғит юқлаш, ташиш, солиш, шудгорлаш, дискалаш, чизеллаш, мола босиш, илдиз ўтини териш, уруғлик юқлаш, ташиш, экиш, ўқ-ариқ олиш, яганалаш,ола экиш, культивация, чопик, ўташ, зараркунандаларга карши кимёвий кураш, биологик кураш, куруқ агат олиш, бешамак очиш, суғориш, чеканка, дефоляция, пахта териш, куритиш,

тозалаш, юклаш, ташиш, тушуриш, карчивалка ва хосилни кўриқлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Хўжаликда пахта етиштиришни иқтисодий самарадорлигини кўриб чиқадиган бўлсак қуйидаги маълумотларга эга бўламиз.

Хўжалик 2014 йилли пахта хосилини етиштириш учун жами 95089 минг сўмлик харажат сарфлади. Етиштирган ҳосилни давлатга сотиш натижасида 105329 минг сўмлик ялпи маҳсулот қийматини яратишга ва 10240 минг сўмлик фойда олишга эришди.

Уч йил ичида хўжаликни пахта экин майдони 3.9 гектарга кўпайган, аммо хосилдорлик даражаси 2.2 центнерга камайган, ялпи ҳосил миқдори 64 центнерга купайган. Хўжаликда пахта етиштириш учун сарфланган харажатлар уч йил ичида 27463 минг сўмга, иш ҳақи сарфи 7493 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 29661 минг сўмга ва фойда олиш 2198 минг сўмга кўпайган. Шу давр ичида бир центнер пахта таннархи 20140 сўмга, бир центнер пахтани сотиш баҳоси 21624 сўмга кўпайди.

Уч йил ичида бир гектар пахта экин майдони ҳисобига сарфланган харажатлар 546 минг сўмга, олинган ялпи маҳсулот қиймати 580 минг сўмга кўпайган, олинган фойда 34 минг сўмга камайган.

Пахта етиштиришда ишловчи бир ходим ҳисобига тўғри келган экин майдони 0.17 гектарга, олинган ялпи маҳсулот қиймати 1289 минг сўмга, фойда олиш 95 минг кўпайган. Бу ўз навбатида пахта етиштириш бўйича рентабеллик кўрсаткичини 11.9 фоиздан 10.8 фоизга камайтириб юборган. Лекин, фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича эришилган рентабеллик даражаси хали оптимал даражадан анча паст бўлиб уни камида 30-35 фоизга етказиш лозим.

“Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалигинида пахта етиштириш учун сарфланган харажатларини кўриб чиқадиган бўлсак қуйидагиларни аниқлаб оламиз.

**“Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари  
ва уларни таркиби (м сўм)**

| т/р | Харажат тури     | 2012 йил     |              | 2013 йил     |              | 2014 йил     |              |
|-----|------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|     |                  | Қий-<br>мати | Сал-<br>моғи | Қий-<br>мати | Сал-<br>моғи | Қий-<br>мати | Сал-<br>моғи |
| 1   | Мод. харажатлар  | 39628        | 58,6         | 48824        | 59.0         | 56483        | 59.4         |
|     | -уруғлик         | 4260         | 6.3          | 5296         | 6.4          | 6181         | 6.5          |
|     | -ўғитлар         | 13593        | 20.1         | 16716        | 20.2         | 19303        | 20.3         |
|     | -ёнилғи          | 5748         | 8.5          | 7117         | 8.6          | 8273         | 8.7          |
|     | -иш ва хизматлар | 10279        | 15.2         | 12744        | 15.4         | 14834        | 15.6         |
|     | -бошқа мод.хар.  | 5748         | 8.5          | 6951         | 8.4          | 7892         | 8.3          |
| 2   | Иш ҳақи хар-лари | 17515        | 25.9         | 21598        | 26.1         | 25008        | 26.3         |
| 3   | Ижт.ажратмалар   | 4328         | 6.4          | 5379         | 6.5          | 6276         | 6.6          |
| 4   | Амортизация      | 2773         | 4.1          | 3476         | 4.2          | 4089         | 4.3          |
| 5   | Бошқа харажат    | 3382         | 5.0          | 3476         | 4.2          | 3233         | 3.4          |
|     | Жами             | 67626        | 100          | 82753        | 100          | 95089        | 100          |

**Манба: Избоскан туманининг “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалигини маълумотларига асосан**

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги 3 йилда фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича сарфланган жами харажат сарфи ошиб борганлиги билан бир қаторда уларни таркибида ҳам кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан пахта етиштириш бўйича сарфланган харажатларни салмоғи бўйича кўриб чиқадиган бўлсак моддий харажатлар, иш ҳақи тўлаш харажати, амортизация харажатлари, ижтимоий ажратмалар ва бошқа харажатларни кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин. Бу салбий ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Сабаби харажатлар таркибига пахта ҳосилдорлигини оширишга ва экин майдонини кўпайиши билан боғлиқ харажатлар киради.

“Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалиги 2014 йили 34.5 гектар пахта экин майдонидан етиштирган 1169 центнерли ялпи ҳосил етиштириш учун жами 95089 минг сўмлик харажат сарфлаган.

Пахта етиштириш учун сарфланган харажатлар уч йил ичида 27463 минг сўмга кўпайган. Шундан моддий харажатлар 16855 минг сўмга, иш ҳақи 7493 минг сўмни, ижтимоий ажратмалар 1948 минг сўмни, асосий воситаларни

амортизация ажратмаси 1316 минг сўмга кўпайган аммо бошқа харажатлар 144 минг сўмга камайганни ташкил этган. Моддий харажатлар ичида уруғлик сарфи 1921 минг сўмни, ўғит сарфи 5710 минг сўмни, ёнилғи мойлаш материаллар сарфи 2525 минг сўмни, иш ва хизматлар 4555 минг сўмга камайган бўлса, бошқа моддий харажатлар 2144 минг сўмга кўпайган. Бир центнер пахта таннарни 2014 йили 20140 сўмга кўпайиб 81340 сўмни ташкил этди.

#### 10-жадвал

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигинида давлатга пахта сотиш кўрсаткичлари.

| на<br>вл<br>ар | Сифат<br>кўрсаткич<br>лари | 2012 йил        |                 |                     | 2013 йил        |                 |                     | 2014 йил        |                 |                     |
|----------------|----------------------------|-----------------|-----------------|---------------------|-----------------|-----------------|---------------------|-----------------|-----------------|---------------------|
|                |                            | мик<br>дор<br>ц | сал<br>мок<br>% | қий<br>мат<br>м сўм | мик<br>дор<br>ц | сал<br>мок<br>% | қий<br>мат<br>м сўм | мик<br>дор<br>ц | сал<br>мок<br>% | қий<br>мат<br>м сўм |
| 1              | 1-2-3 синф                 | 884             | 80              | 59976               | 965             | 85              | 75926               | 1110            | 95              | 99412               |
| 2              | 1-2-3 синф                 | 55              | 5               | 4041                | 114             | 10              | 9799                | 59              | 5               | 5917                |
| 3              | 1-2-3 синф                 | 166             | 15              | 11651               | 56              | 5               | 4598                | -               | -               | -                   |
| 4              | 1-2-3 синф                 | -               | -               | -                   | -               | -               | -                   | -               | -               | -                   |
| 5              | 5- синф                    | -               | -               | -                   | -               | -               | -                   | -               | -               | -                   |
|                | Жами                       | 1105            | 100             | 75668               | 1135            | 100             | 90323               | 1169            | 100             | 105329              |
|                | 1 ц сотиш<br>бахоси сўм    |                 |                 | 68478               |                 |                 | 79580               |                 |                 | 90102               |

**Манба: Избоскан туманининг статистик маълумотларига асосан**

Хўжалик ўзининг пул даромадларини ошириш мақсадида етиштиридган пахта хомашёсини давлатга сотишда юкори навларга сотишга ҳаракат қилиб келди

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини пахта сотиш кўрсаткичини кўриб чиқадиган бўлсак қуйидагини аниқлаб оламиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибтики охириги 3 йилда фермер хўжалигининг тайёрланган жами пахта хомашёсида биринчи саноат навининг хиссаси 80 фоиздан 95 фоизга кўтарилганлигини, иккинчи навнинг хиссаси 5 фоиз даражада қолганлигини, учунчи навга сотилмаганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Бу ўз навбатида фермер хўжалигини 2014 йилда етиштирилган пахта хомашёсининг сифати кескин яхшиланганлигини билдиради. Пахта хомашёсининг сифатини яхшиланиши уни рақобатбардўшлигини оширишга, даромадларни кўпайишига олиб келади. Фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини яхшиланиши кўп жihatдан уни сотилаётган пахта хомашёси сифатини яхшиланганлиги билан боғлиқдир. Бу соҳада хўжаликнинг фойдаланилмаётган имкониятлари мавжуд бўлиб. У пахта хом ашёсини тўлалигича биринчи саноат навининг биринчи синфига сотилишини йўлга қўйиш лозим.

11-жадвал

“Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги билан Избоскан тумани бўйича ўртача пахта етиштиришни солиштира иқтисодий кўрсаткичлари.

| т/р | Кўрсаткичлар        | Ўлч бир | Избоскан тумани | “Тўрткўл Қаҳрамон” ф/х | Фарқи +,- |
|-----|---------------------|---------|-----------------|------------------------|-----------|
| 1.  | Экин майдони        | га      | 8350            | 34.5                   | X         |
| 2.  | Хосилдорлик         | ц       | 33.3            | 33.9                   | +0.6      |
| 3.  | Ялпи хосил          | ц       | 277670          | 1169                   | X         |
| 4.  | Харажатлар          | м.сўм   | 22988000        | 95089                  | X         |
| 5.  | Ялпи маҳсулот       | м.сўм   | 24879000        | 105329                 | X         |
| 6.  | Фойда               | м.сўм   | 1891000         | 10240                  | X         |
| 7.  | Бир центнер         |         |                 |                        |           |
|     | - таннарҳи          | сўм     | 82789           | 81340                  | -1449     |
|     | - сотиш баҳоси      | сўм     | 89599           | 90102                  | +503      |
| 8.  | Бир гектар хисобига |         |                 |                        |           |
|     | -харажат            | м.сўм   | 2753            | 2756                   | +3        |
|     | -ялпи маҳсулот      | м.сўм   | 2979            | 3053                   | +74       |
|     | -фойда              | м.сўм   | 226             | 297                    | +71       |
| 9.  | Рентабеллик         | %       | 8.2             | 10.8                   | +2.6      |

**Манба:** Избоскан туманининг статистик ва “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини маълумотларига асосан

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида пахта етиштиришни иқтисодий кўрсаткичларини Избоскан туманидаги ўртача кўрсаткичлари билан таккослаш натижасида хўжаликдаги пахта таннарҳи туман бўйича ўртача пахта таннарҳи билан солиштириш натижасида 1449 сўмга камайганлиги ва сотиш баҳоси 503 сўмга ортганлиги аникланди

Шу билан биргаликда бир гектар пахта майдони ҳисобига сарфланган харажатлар 3 минг сўмга, ялпи маҳсулот 74 минг сўмга, фойда олиш 71 минг сўмга ва рентабеллик 2,6 фоизга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин. “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалиги 2013 йили буғдой етиштириш учун белгиланган агротехник ишларни ўз вақтида бажариш натижасида 29.2 гектар буғдой майдонини ҳар гектаридан 64,8 центнердан ҳосил олиш натижасида ялпи ҳосилни 1892 центерга етказди.

Юқоридаги ялпи ҳосилни етиштириш учун 43284 минг сўмлик харажат сарфланди. Етиштирган ҳосилни давлатга, бозорга ва аъзоларга сотиш натижасида хўжалик 62484 минг сўмлик ялпи маҳсулот қийматини яратишга ва 19200 минг сўмлик фойда олишга эришди.

Хўжаликда буғдой етиштиришни иқтисодий самарадорлигини кўриб чиқадиган бўлсак қуйидаги маълумотларга эга бўламиз.

Уч йил ичида хўжаликни буғдой экин майдони 3.9 гектарга, ялпи ҳосил 253 центнерга камайган. Ялпи ҳосилни камаишига буғдойни экин майдонларни камаиши салбий таъсир этди. Хўжаликда буғдой етиштириш учун сарфланган харажатлар 1978 минг сўмга, иш ҳақи сарфи 172 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 2099 минг сўмга ва фойда олиш 121 минг сўмга камайган, буғдой етиштиришда ишловчи аъзолар сони ўзгармаган ҳолда қолган. Шу давр ичида бир центнер буғдой таннархи 2880 сўмга, 1 центнер буғдой сотиш баҳоси 4580 сўмга кўпайди. Уч йил ичида бир гектар буғдой экин майдони ҳисобига сарфланган харажатлар 199 минг сўмга, олинган ялпи маҳсулот қиймати 316 минг сўмга ва олинган фойда 117 минг сўмга кўпайган.

Буғдой етиштиришда ишловчи бир ходим ҳисобига тўғри келган экин майдони 0.78 гектарга, сарфланган иш ҳақи харажатлари 35 минг сўмга, олинган ялпи маҳсулот қиймати 420 минг сўмга ва фойда олиш 24 минг сўмга кўпайди. Бу ўз навбатида буғдой етиштириш бўйича рентабеллик кўрсаткичини 1,6 даражага кўпайишига олиб келди.

**Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида  
буғдой етиштиришни иқтисодий самарадорлиги.**

| Т/<br>р | Кўрсаткичлар        | Ўлч.<br>бир | 2012й | 2013й | 2014й | 2014 – 12 й<br>нисбатан |               |
|---------|---------------------|-------------|-------|-------|-------|-------------------------|---------------|
|         |                     |             |       |       |       | фарқи<br>+,-            | салмо<br>ғи % |
| 1       | Жами экин майдони   | га          | 26.9  | 24.6  | 23    | -3.9                    | 85.5          |
| 2       | Хосилдорлик         | ц/га        | 66.5  | 66.9  | 66.8  | +0.3                    | 100.4         |
| 4       | Ялпи хосил          | ц           | 1789  | 1646  | 1536  | -253                    | 85.8          |
| 5       | Жами и/ч харажати   | м сўм       | 45262 | 42812 | 43284 | -1978                   | 95.6          |
|         | -иш ҳақи            | м.сўм       | 5929  | 5694  | 5757  | -172                    | 97.1          |
| 6       | Ялпи маҳсулот       | м сўм       | 64583 | 61299 | 62484 | -2099                   | 96.7          |
| 7       | Фойда               | м сўм       | 19321 | 18487 | 19200 | -121                    | 99.4          |
| 8.      | Ходимлар сони       | нафар       | 5     | 5     | 5     | -                       | 100.0         |
| 9.      | 1 ц таннархи        | сўм         | 25300 | 26010 | 28180 | +2880                   | 111.4         |
| 10      | 1 ц сотиш баҳоси    | сўм         | 36100 | 37241 | 40680 | +4580                   | 112.7         |
| 11      | Бир гектар хисобига |             |       |       |       |                         |               |
|         | -сарфланган харажат | м сўм       | 1683  | 1740  | 1882  | +199                    | 111.8         |
|         | -олинган ялпи мах-т | м сўм       | 2401  | 2492  | 2717  | +316                    | 113.2         |
|         | -олинган фойда      | м сўм       | 718   | 751   | 835   | +117                    | 116.3         |
| 12      | Бир ходим хисобига  |             |       |       |       |                         |               |
|         | -тўғри келган э/м   | га          | 5.38  | 4.92  | 4.60  | -0.78                   | 85.5          |
|         | -сари-ган иш ҳақи   | м сўм       | 1186  | 1139  | 1151  | -35                     | 97.1          |
|         | -олинган ялпи мах-т | м сўм       | 12917 | 12260 | 12497 | -420                    | 96.7          |
|         | -олинган фойда      | м сўм       | 3864  | 3697  | 3840  | -24                     | 99.4          |
| 13      | Рентабеллик         | %           | 42.7  | 43.2  | 44.3  | +1.6                    | -             |

**Манба: Избоскан туманининг “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини маълумотларига асосан**

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида етиштирилган буғдой хосилини давлатга, ишчиларга ва бозорда сотишга эришди.

Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалигида етиштирилган буғдойни сотиш йўналишлари бўйича тахсимоти.

| т/р | Йил<br>лар                 | Етиш<br>тирил<br>ди (ц) | Сотилди (ц)  |                    |                     |                     |                     |                     |     | Аъзо<br>ларга<br>(ц) | Бозор<br>да<br>(ц) |
|-----|----------------------------|-------------------------|--------------|--------------------|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|-----|----------------------|--------------------|
|     |                            |                         | Давлатга (ц) |                    |                     |                     |                     |                     |     |                      |                    |
| 1.  | Навларни<br>синфлари       |                         | Жами         | 1-синиф<br>миқ / % | 2- синиф<br>миқ / % | 3- синиф<br>миқ / % | 4- синиф<br>миқ / % | 5- синиф<br>миқ / % |     |                      |                    |
| 2.  | Навни ёпишқоқлик даражаси. |                         |              | 32                 | 26                  | 23                  | 18                  | -                   |     |                      |                    |
| 3.  | 2012                       | 1789                    | 1076         | 667/62             | 225/21              | -                   | 184/17              | -                   | 350 | 363                  |                    |
| 4.  | 2013                       | 1646                    | 984          | 640/65             | 197/20              | -                   | 147/15              | -                   | 352 | 310                  |                    |
| 5.  | 2014                       | 1536                    | 920          | 653/71             | 166/18              | -                   | 101/11              | -                   | 316 | 300                  |                    |

**Манба:** Избоскан туманининг “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини маълумотларига асосан.

Избоскан туманидаги «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалигида давлатга бугдой сотиш кўрсаткичлари.

| Навнинг синфлари | Сотилган маҳсулот салмоғи (%) | Сотилган маҳсулот миқдори (ц) | Бир центнер нархи (сўм) | Қиймати (м сўм) |
|------------------|-------------------------------|-------------------------------|-------------------------|-----------------|
| 2012 й           |                               |                               |                         |                 |
| 1-синф           | 62                            | 667                           | 46,172                  | 30797           |
| 2-синф           | 21                            | 225                           | 39,264                  | 8834            |
| 3-синф           | -                             | -                             | 33,800                  | -               |
| 4-синф           | 17                            | 184                           | 30,239                  | 5715            |
| 5-синф           | -                             | -                             | 27,958                  | -               |
| Жами             | 100.0                         | 1076                          | 42,143                  | 45346           |
| 2013 й           |                               |                               |                         |                 |
| 1-синф           | 65                            | 640                           | 51,909                  | 33222           |
| 2-синф           | 20                            | 197                           | 44,143                  | 8696            |
| 3-синф           | -                             | -                             | 38,000                  | -               |
| 4-синф           | 15                            | 147                           | 33,996                  | 4997            |
| 5-синф           | -                             | -                             | 31,433                  | -               |
| Жами             | 100.0                         | 984                           | 47,678                  | 46915           |
| 2014 й           |                               |                               |                         |                 |
| 1-синф           | 71                            | 653                           | 57,100                  | 37286           |
| 2-синф           | 18                            | 166                           | 48,557                  | 8060            |
| 3-синф           | -                             | -                             | 41,800                  | -               |
| 4-синф           | 11                            | 101                           | 37,790                  | 3817            |
| 5-синф           | -                             | -                             | 34,575                  | -               |
| Жами             | 100.0                         | 920                           | 53,438                  | 49163           |

**Манба:** Избоскан туманининг «Тўрткўл Қаҳрамони» фермер хўжалигини маълумотларига асосан.

Давлатга бугдой сотиш кўрсаткичлари уч йил ичида 1чи синифга сотилган бугдой хажми 62 фоиздан 71 фоизга кўпайган, иккинчи синифга сотилган бугдой хажми 21 фоиздан 18 фоизга камайган, тўртинчи синифга сотилган бугдой хажми 17 фоиздан 11 фоизга камайган. Шу билан биргаликда аъзоларга иш ҳақи ҳисобидан берилаётган бугдой хажми 34 центнерга ва камайди, бозорда сотилган бугдой хажми 63 центнерга камайди. Хўжаликда бугдой етиштириш харажатларини кўриб чиқадиган бўлсак қуйидаги маълумотларга эга бўламиз.

## 15-жадвал

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида  
буғдой етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби. (минг сўм)

| т/<br>р | Харажат тури     | 2011 йил     |              | 2012 йил     |              | 2013 йил     |              |
|---------|------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|         |                  | Қий-<br>мати | Сал-<br>моғи | Қий-<br>мати | Сал-<br>моғи | Қий-<br>мати | Сал-<br>моғи |
| 1       | Мод. харажатлар  | 32361        | 71,5         | 30268        | 70,7         | 30689        | 70,9         |
|         | -уруғлик         | 3530         | 7,8          | 3125         | 7,3          | 3246         | 7,5          |
|         | -ўғитлар         | 11406        | 25,2         | 10874        | 25,4         | 11081        | 25,6         |
|         | -ёнилғи          | 5703         | 12,6         | 5437         | 12,7         | 5584         | 12,9         |
|         | -иш ва хизматлар | 10093        | 22,3         | 9376         | 21,9         | 9393         | 21,7         |
|         | -бошқа мод.хар.  | 1629         | 3,6          | 1456         | 3,4          | 1385         | 3,2          |
| 2       | Иш ҳақи хар-лари | 5929         | 13,1         | 5694         | 13,3         | 5757         | 13,3         |
| 3       | Ижт.ажратмалар   | 1494         | 3,3          | 1413         | 3,3          | 1428         | 3,3          |
| 4       | Амортизация      | 1901         | 4,2          | 1798         | 4,2          | 1818         | 4,2          |
| 5       | Бошқа харажатлар | 3577         | 7,9          | 3639         | 8,5          | 3592         | 8,3          |
|         | Жами             | 45262        | 100,0        | 42812        | 100,0        | 43284        | 100,0        |

**Манба:** Избоскан туманининг “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини маълумотларига асосан.

“Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги 2014 йили 23.0 гектар буғдой майдонини ҳар гектаридан 66,8 центнердан ҳосил олиб, ялпи ҳосилни 1536 центнерга етказди. Ушбу ялпи ҳосилни етиштириш учун хўжалик жами 43284 минг сўмлик харажат сарфлаган. Шундан моддий харажатлар 30689 минг сўмни, иш ҳақи 5757 минг сўмни, ижтимоий ажратмалар 1428 минг сўмни, амортизация ажратмаси 1818 минг сўмни ва бошқа харажатлар 3592 минг сўмни ташкил этган. Моддий харажатлар ичида уруғлик 3246 минг сўмни, ўғитлар 11081 минг сўмни, ёнилғи 5584 минг сўмни; иш ва хизматлар 9393 минг сўмни ва бошқа моддий харажатлар 1385 минг сўмни ташкил этган. Бир центнер буғдой таннархи 2014 йили 28180 сўмни ташкил этди.

Уч йил ичида буғдой етиштириш учун сарфланган харажатлар 1978 минг сўмга камайган, шундан моддий харажатлар 1672 минг сўмга, иш ҳақи 172 минг сўмга, ижтимоий ажратмалар 66 минг сўмга, амортизация ажратмаси 83 минг сўмга камайган бўлса, бошқа харажатлар 15 минг сўмга кўпайган.

Натижада бир центнер буғдой таннархи уч йилда 2880 сўмга кўпайди. Буғдой етиштириш учун сарфланган харажатлар ичида моддий харажатлар 70.9 фоизни, иш ҳақи 13,3 фоизни, ижтимоий ажратмалар 3.3 фоизни, амортизация 4.2 фоизни ва бошқа харажатлар 8.3 фоизни ташкил этмоқда.

Моддий харажатлар ичида уруғлик ва кўчат материаллар сарфи 7.5 фоизни, ўғитлар 25.6 фоизни, ёнилғи мойлаш материаллари 12.9 фоизни иш ва хизматлар 21.7 фоизни ва бошқа моддий харажатлар 3.2 фоизни ташкил этмоқда. Хўжаликда бир гектар буғдой экин майдони ҳисобига сарфланган харажатлар 1882 минг сўмни ташкил этди. Шундан иш ҳақи 1114 минг сўмга, ижтимоий ажратмалар 62 минг сўмни, амортизация ажратмаси 79 минг сўмга ва бошқа харажатлар 156 минг сўмни ташкил этмоқда. Моддий харажатлар ичида уруғлик харажатлари 141 минг сўмга, минерал ўғитлар сарфи 482 минг сўмни, ёнилғи мойлаш материаллари 243 минг сўмни ва бошқа моддий харажатлар 60 минг сўмни ташкил этди.

16- жадвал.

“Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида буғдой етиштириш кўрсаткичларини Избоскан туманидаги ўртача кўрсаткичлари билан таққослаш.

| Т/р | Кўрсаткичлар        | Ўлч бир. | Избоскан тумани | “Тўрткўл Қаҳрамон и” ф/х | Фарқи +,- | Салмоғи % |
|-----|---------------------|----------|-----------------|--------------------------|-----------|-----------|
| 1.  | Экин майдони        | га       | 6495            | 23                       | -         | -         |
| 2.  | Ҳосилдорлик         | ц        | 65.9            | 66.8                     | +0.9      | 101.4     |
| 3.  | Ялпи ҳосил          | ц        | 427810          | 1536                     | -         | -         |
| 4.  | Жами харажат        | м сўм    | 12314000        | 43284                    | -         | -         |
| 5.  | Жами даромад        | м сўм    | 17222000        | 62484                    | -         | -         |
| 6.  | Фойда               | м сўм    | 4908000         | 19200                    | -         | -         |
| 7.  | 1 ц таннархи        | сўм      | 28734           | 28180                    | -554      | 98.1      |
| 8.  | 1 ц сот бахоси      | сўм      | 40256           | 40680                    | +424      | 101.1     |
| 9   | Бир гектар ҳисобига |          |                 |                          |           |           |
|     | -харажат            | м сўм    | 1896            | 1882                     | -14       | 99.3      |
|     | -даромад            | м сўм    | 2652            | 2717                     | +65       | 102.4     |
|     | -фойда              | м сўм    | 756             | 835                      | +79       | 110.4     |
| 10. | Рентабеллик         | %        | 39.9            | 44.3                     | +4.4      |           |

Манба: Избоскан туманининг “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини маълумотларига асосан.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалигида буғдой ҳосилдорлиги Избоскан туманининг ўртача кўрсаткичига нисбатан 0,9 центнерга ёки 101,4 фоизга ортган. Шу билан биргаликда 1 центнер буғдой таннари 554 сўмга ёки 1.9 фоизга камайган, 1 ц буғдой сотиш баҳоси 424 сўмга ёки 1,1 фоизга кўпайган. Бир гектар ҳисобига сарфланган харажатлар туман кўрсаткичига нисбатан 14 минг сўмга камайтириш ҳисобига, олинган даромад 65 минг сўмга ва фойдани 79 минг сўмга кўпайтиришга эришилди.

Хўжаликни буғдой етиштириш бўйича эришган рентабеллик кўрсаткичи туман кўрсаткичига нисбатан 4,4 фоизга юқорилиги хўжаликни буғдой етиштириш фаолиятини самарали яқунлаганлигини ифодалаб беради.

**3. боб. Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қахрамони” фермер  
хўжалигида экин майдонларидан фойдаланишга таъсир этувчи  
омиллар.**

**3.1. Дехқончилик тармогида экин майдонлардан фойдаланишни  
ташкил этиш технологияси.**

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири дехқончиликдир.

Дехқончиликни тўғри ташкил этиш ва мақсадга мувофиқ юритиш, кабул қилинган дехқончилик тизимига боғлиқ.

Дехқончилик тизими деб - сифатли, арзон, рақобатга чидамли маҳсулот етиштириш учун ердан, тупроқдан унумли фойдаланишда ишлатилган – иқтисодий, ташкилий, техникавий ва агротехнологик тадбирларга айтилади. Дехқончилик тизимини дехқончилик технологияси яъни агротехнологияси ташкил қилади.

Дехқончилик технологияси, яъни тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш мақсадида фойдаланилган агротехнологик тадбирлар йигиндиси.

Агротехнологик тадбирлар - бу маҳсулотни парваришига, экин хусусиятига қараб, уларни ўсишига, ривожланишига кўмаклашувчи, натижани яхшилашга қаратилган тадбирларга айтилади.

Дехқончилик тизими - ҳар хил табиий - иқтисодий ва хўжалик юритиш шаклларига мос ҳолда ташкил этилади.

Дехқончилик тизими - техник ва технологик ҳамда ташкил этишни ўзгаришига қараб такомиллашиб боради.

Дехқончилик тизими - куйидаги боскичларни босиб ўтган.

1. Ўрмон ва чакалақларни куйдириб, бушатиб дехқончилик қилиш.
2. Ерларни узоқ муддатга ташлаб кўйиб дехқончилик қилиш.
3. Шудгорлаш орқали дехқончилик қилиш.
4. Ўт-далали алмашлаб экиш ёрдамида дехқончилик қилиш.
5. Қатор ораларига ишлов бериб, дехқончилик қилиш.

Ўрмон ва чакалакзорларни кесиб, деҳқончилик қилиш - деҳқончиликни юзага кела бошлаган даврига тўғри келади. Инсонлар ўрмон ва чакалакзорларни кесиб ташлаб ёки куйдириш йўли билан ер очиб деҳқончилик қилишган. Ернинг унумдорлиги пасайгандан кейн ҳуди шу усулда бошқа ерларни ўзлаштариш орқали деҳқончилик қилишган. Бу усулдаги тупроқ унумдорлиги табиий омиллар ҳисобига тикланган.

Партов ерлар деб – илгари экилган, бегона ўтлар босиб кетган ва ундан яйлов ҳамда пичанзор сифатида фойдаланилган ерларга айтилади. Партов ва қўриқ ерларни очиб экин экиб, кегин табиий усулда тупроқ унумдорлигини ошириш усулига айтилади.

Аҳолини ўсиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабни ортиши, ерга хусусий мулкчиликни вужудга келиши ерлардан унумли фойдаланишга олиб келди.

Партов ва қўриқ ерларни, яримига экин экиш, қолганини қолдириб қўйиш усули вужудга келди. Кейнчалик қишлоқ хўжалик маҳсулотларга бўлган талабни кучайиши натижасида ерлардан узоқ муддат дам олиш ўрнига шудгор қилиб қўйиш орқали тупроқ унумдорлигини тиклаш тизими жорий қилинган.

Шудгорлаб қўйиш тизимини моҳияти шундаки - сурункали пахта, дон экилган ерлар кучсизланиб қолади. Кучсизланган ерлар хайдалиб қолдирилади. Ушбу ерлар нам, кислород ва озика тўплайди. Келгуси йилда бу ерларга экин экилади.

Деҳқончиликда экилиб келаётган экинлар озикланиш хусусияти бўйича 2 гурҳга бўлинади.

- тупроқдан озика олувчилар,
- ховодан озика олиб илдизда тўпловчилар.

Алмашлаб экиш – тупроқдан озика олувчи экинлар ўрнига, ховадан озика олиб илдизда тўпловчи экинлар билан алмашлаб экиш усули тушунилади.

Ўт-далали алмашлаб экиш тизимини туб маъноси, серунум тупрок таркибини яратишдир. Ўт-далали алмашлаб экиш деҳқончилик тизимидаги алмашлаб экишни бир тури.

Суғорилиб деҳқончилик килинаётган ерларда ўтлок далали алмашлаб экиш усули мақсадга мувофиксиздир. Жамиятни ривожланиши, хайдаладиган ерларни камайиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларга бўлган талабни кучайиши ўт далали алмашлаб экишдан чопиқ килинадиган экинлар экиш тизимига ўтилди.

Чопиқ далали алмашлаб экиш – ўғитга, кимёвий воситаларга таянган холда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик тарракиётини бош йўналиши ва объектив зарурияти бу деҳқончиликни жадал ривожлантиришдир.

Деҳқончилик тизимини самарали олиб боришда куйдагиларга эътибор қилиш керак;

- шартнома шартларини ва давлат буюртмаларини бажариш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш;
- кайта ишлашни, сақлашни, сотишни ва экспортни кучайтириш;
- ишлаб чиқаришни барқорорлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш бўлинмалари орасида мақсадга мувофик боғлиқлик ва нисбатини таъминлаш.
- барча ресурслардан тўлиқ ва унумли фойдаланиш.
- меҳнатни ташкил этишдаги мавсумийликни бартараф этиш,
- меҳнат ресурслардан йил ичида бир текис фойдаланиш,
- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун зарурий жамғармага эга бўлиш,
- ишлаб чиқаришга сарфланган маблағларни айланишни тезлаштириш,
- йил ичида пул тушумини бир текисда тушуб боришни таъминлаш.

Деҳқончилик тизими - бир бирини тўлдириб турувчи, ўзaro боғлиқ, ташкилий, иқтисодий, технологик ва техник тадбирлар тизимидан иборат.

## Деҳқончилик тизими ва унинг тадбирлари.

| Деҳқончилик тизими.                                                                                                                                                                                   |                                                                                                                                                                                                                                                                              |                                                                                                                                                                      |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ташкилий, иқтисодий тадбирлар тизими.                                                                                                                                                                 | Технологик тизим.                                                                                                                                                                                                                                                            | Техникавий тизим.                                                                                                                                                    |
| - ихтисослаштириш ва ер худудини ташкил қилиш<br>-иш жараёнларни ташкил қилиш.<br>-режалаштириш тизими,<br>-меҳнатни ташкил қилиш,<br>меъёрлаш ва ҳақ тўлаш,<br>-бошқариш тизими,<br>-шартнома тузиш. | -экин майдонлар таркиби ва алмашлаб экиш,<br>-тупроққа ишлов бериш,<br>-уруғчилик,<br>-ўғитлаш,<br>-зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш,<br>-тупроқ унумдорлиги, сувни тежаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар,<br>-маҳсулотни ўриб-йиғиб олиш ва сақлаш. | - машина ва асбоб ускуналар,<br>- бино-иншоот ва бошқа воситалар тизими,<br>- ишлаб чиқаришни механизациялаш, электр лаштириш ва автоматлаш тириш, компьютер тизими. |

Деҳқончилик тизимини ташкилий ва иқтисодий тадбирларига куйдагилар қиради,

- ихтисосланиш ва ер худудини ташкил этиш,
- иш жараёнларини ташкил этиш,
- режалаштириш тизими,
- меҳнатни ташкил этиш, меъёрлаш ва ҳақ тўлаш,
- бошқарув тизими,
- шартнома тизими.

Деҳқончилик тизимини технологик тадбирларига куйдагилар қиради,

- экин майдонлар таркиби ва алмашлаб экиш,
- тупроққа ишлов бериш,
- урғчилик,
- ўғитлаш,
- хашоратга, карши кураш,
- тупроқ унумдорлиги, мелиорация тадбирлари,
- маҳсулотни йиғиб олиш, сақлаш.

Дехқончилик тизимини техникавий тадбирларига кўйдагилар киради,

- машина ва асбоб ускуналар,
- бино, иншоатлар ва бошқа воситалар,
- ишлаб чиқаришни механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш, компьютерлаш.

Дехқончилик тизимини ташкил этишда кўйдагиларга эътибор қилиш керак:

-ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш ва истиқболдаги тарракиёт дастурини ишлаб чиқиш;

-ишлаб чиқариш йўналишини белгилаш, тормоқ ва ички бўлинмаларни алохидаги ёки кўшиб олиб боришни таъминлаш;

-қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш тизимини ишлаб чиқиш;

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиш, хизмат кўрсатиш тизимини уюштириш,

-меҳнат баланси, меҳнатни ташкил этиш, ҳақ тўлаш ва уни химояси,

-хўжалик бошқарувини ташкилий ва ишлаб чиқаришни таркибни белгилаш,

-ижтимоий ривожлантириш,

-атроф муҳитни химояси,

-сармояга бўлган талаб,

-деҳқончилик тизимини самарадорлиги.

Қишлоқ хўжалигида ер худудларини ташкил этиш деганда – ер майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш тушунилади.

Ер худудларини ташкил этиш тизими ўз ичига - хўжаликни, тормоқларни, ички бўлинмаларни чегарасини белгилаш; ишлаб чиқариш марказини, аҳоли яшаш жойларини, мелиорация ва йўл шаҳобчаларини аниқланишини қамраб олади.

Давлат томонидан ўтказилган ер тузиш ишлари - ердан фойдаланиш муносабатларини белгилаш, ердан окулона, унумли фойдаланишни амалга оширишга қаратилган.

Ердан фойдаланишни ташкил этишда куйдагиларга риоя қилинади:

- ер давлат мулки эканлигини этироф этиш ва ундан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиш,
- ерларни ижарага бериш орқали-ердан доимий фойдаланишни таъминлаш, ер худудини ўзгаришига йўл қўймаслик,
- хўжалик ерлари яхлит бир бутун ҳолда бўлишни таминлаш,
- хўжалик ер худудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш,
- хўжалик аҳолисига маданий - маиший хизматни ташкил этишда қулайлик шарт-шароитидан келиб чиқиш.

Ички хўжалик ер тузиш ишларини ташкил этишда куйдагилар ҳал қилинади:

- ички бўлинмалар ер худудларини аниқлаш ва миқдорини белгилаш,
- қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни аниқлаш, алмашлаб экишни ташкил этиш ва жойлаштириш,
- йўл шаҳобчаларини, сув, электроэнергия таъминотини белгилаш.

Хўжалик ер худудлари ташки омил таъсири натижасида ўзгариб туради.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар йиллар ичида бир турдан бошқа турга ўтиб туради. Ерларни йил ичида ўзгариши ер трансформацияси дейлади. Кам унумли ерлага капитал сарфлаб, юқори унумли ерларга айлантириш – ижо

бий трансформация дейилади. Унумли ерларни унумсиз ерларга айланиши - салбий трансформация дейилади.

Экин майдонларини таркиби деб - жами экин майдони ичида айрим турдаги экинлар майдонини салмогига айтилади. Экин майдонлар таркиби - бу ташкилий, иктисодий тадбирдир.

Экин майдонлар таркиби куйдаги талабларга жавоб бериш керак,  
-тупроқ унумдорлигини барқорор олиб бориш,  
-хўжалик мақсадини ифодалаш.

Экин майдонларини белгилаш вазифалари куйдагилардан иборат;  
-экинзорларни юқори унумдорлик ҳолатига олиб чиқиш,  
-маҳсулот сотиш бўйича шартнома ва буюртма топшириқларини бажариш.  
-ички эҳтиёжларини қондириш учун зарурий миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ва даромадлилигини таъминлаш.

Экин майдонларидан юқори натижага эришиш учун алмашлаб экиш тизими қўлланилади. Алмашлаб экиш деб - илмий асосида экинларни далаларда кетма кет жойлаштириш тушунилади. Алмашлаб экиш ўз ичига агротехнологик, ташкилий иктисодий тадбирларни камраб олади.

Алмашлаб экишни ташкилий – иктисодий тизими, - ердан, ишлаб чиқариш воситалардан, ишчи кучидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни энг асосий шarti, хўжалик фаолиятини ижобий яқунлаш манбаси.

Алмашлаб экиш - тупрокни озиқ моддалар билан бойитишга, тупокни механик ва физик хусусиятини яхшилашга катта ёрдам беради.

Алмашлаб экишни учта типии мавжуд:

1.Далачилик. 2. Ем - хашак. 3. Маҳсус.

Далачилик алмашлаб экиш, энг кўп қўлланиладиган усул бўлиб, дон, картошка, лавлаги, техник экинларни етиштиришда қўлланилади.

Ем–хашак типигаги алмашлаб экиш - чорвачиликни озиқа талабини қондириш мақсадида ҳар ҳил озуқа етиштириш учун мужалланган.

Ем-хашак алмашлаб экишда, жами экин майдонини яримидан кўпи озикабоп экинлар ташкил этиши керак.

Махсус алмашлаб экиш — сабзавот, тамаки, пахта экинларини етиштиришда ишлатилади. Махсус алмашлаб экиш, махсус шароитни ва агротехникани талаб этади.

Республикамизда жами суғориладиган ерларни 65-70 фоизи ғўза билан ва 30-35 фоизи ем хашак билан банд бўлиш керак.

Пахтачиликка ихтисослашган хужаликларда 9, 10, 12, далали алмашлаб экиш схемалардан фойдаланиш тавсия этилади (3;6) (3;7) (3;9) 9далали алмашлаб экиш схемасида 3 даласига беда ва 6 даласига пахта экилади.

Ердан самарали фойдаланиш учун 3 далали бедани биринчисига кузги буғдой, буғдой йиғиштириб булингандан сўнг, макка, силос ва силос ўриб бўлгандан кейин беда экилади.(1;2;6) (1;2;7).

Алмашлаб экишда - далаларни тўғри белгилашга эътибор қилинади.

Хар бир хўжаликда алмашлаб экишни маълум бир тизими кўлланилади.

Экинлар далаларга белгиланган схема бўйича жойлашиб булганда, алмашлаб экиш тўла жойлаштирилган ҳисобланади.

Экинларни алмашлаб экиладиган далалардан бир маротаба алмашиб чиқиши «ротация» дейилади. 9 далали алмашлаб экиш схемасини айланиб чиқиши 9 йилга тенг.

Алмашлаб экишга иқтисодий баҳо беришда кўйдаги кўрсаткичлардан фойдаланилади,

-алмашлаб экиш жорий этилган майдонни хар бир гектаридан олинадиган маҳсулот миқдори ва қиймати.

-меҳнат унумдорлиги,

-маҳсулот таннархи ва рентабеллиги,

-ишлаб чиқаришни даврийлик дарожаши ва давирлар бўйча меҳнат сарфи,

-алмашлаб экишни ўзлаштириш учун сарфланган капитал ва уларни қоплаш муддатлари.

Хўжаликларда экилаётган экинлар ҳосилдорлиги - деҳқончиликни асосий кўрсаткичи. Ҳосилдорлик кўрсаткичида – ишлаб чиқаришни ўзига хос хусусиятлари, утказилган тадбирлар, табиий иқлим таъсири мужасамланган.

Ишлаб чиқаришни айрим омиллари ҳосилдорликни оширишга бевосита таъсир кўрсатади (минерал ўғитлар, сув таъминоти, ерни унумдорлиги, янги навлар).

Ишлаб чиқаришни ҳосилдорлик дароҳасига айрим омиллар билвосита таъсир этиш мумкун (ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишларни ўз вақтида ўтказиш). Бази бир омиллар ўзлари ҳосилдорликка таъсир этмасоҳам, биргаликда фойдаланилса яхши натижа беради.

Ҳосилдорликни оширишга таъсир этувчи асосий омил бу меҳнат. Ҳосилдорликни режалаштиришда ўртача 5-3 йилик кўрсаткичларга таяниш керак. Ҳосилдорликни таҳлил қилишда ўртача йилик ҳосилдорлик ва ҳосилдорликни ўртача йиллик ўсиши аниқланади. Ҳосилдорликни ўсишида 50 фоизи минералар ҳисобига тўғри келади.

Пахтачиликда ерни табиий унумдорлиги ўртача 12-14 ц ҳосил беради, қолган ҳосил меҳнатни ташкил этиш, маблағ сарфлаш ҳисобига ортади.

### **3.2 Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қахрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштиришга таъсир этувчи омиллар.**

Мустақиллик йиллари мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотини ҳажмини мунтазам купайтириб бориш, экинлардан олинадиган ялпи ҳосил ва ҳосилдорликни ошириб бориш учун мавжуд бўлган экин майдонларидан самарали фойдаланиш зарур.

Ҳозирги кунда фермерлик ҳаракати 4 та кодекс, 10 та қонунлар, 15 та Президент фармон ва қарорлари ҳамда 20 тага яқин Вазирлар Маҳкамасини қарорлари билан тартибга солиб келинади.

Фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва кафолатларни яратиб берувчи 1998 йил 30 апрелдаги «Ер кодекси»; 1998-2004 йилдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар; Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 725-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги “Фермер хўжаликлари юритувидаги ер участкалари миқдорларини мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш бўйича маҳсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги 3077-сонли фармойиши; Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чоралари тўғрисида”ги фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида 2011 йил 18 апрель ПФ-4301-сонли фармоиши; 2012 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, ҳамда бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фермер хўжаликларининг ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмлари муттасил ошиб боришини, фермер хўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллиги ўсишини таъминлаш имконини берадиган моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқда фермер хўжаликларига барча зарур хизматларни кўрсатаётган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2006 йилли ширкат хўжаликлар тугатилиб улар негизда фермер хўжаликларини ташкил этиш ишлари амалга оширилган. Фермер хўжаликларни ташкил этиш, ер участкалари, контурлар бўйича тендер ўтказиш усули ёрдамида амалга оширилди. Бунинг натижасида 2 мингдан ортиқ ширкат хўжалиги тугатилиб, 220 мингга яқин фермер хўжаликлари ташкил этилди. Тендер ўтказишда давогарларни ёши, мутахассислиги, иш стажи, шу жумладан қишлоқ хўжалигида, техникаларни мавжудлиги ва созлиги, тиркалма агрегатларни борлиги, омонат кассадаги пул маблағлари, шартнома шартларини бажариб келганлиги, бизнес режа тузилганлигига қараб махсус белгиланган балларга таянган ҳолда ўтказилди.

Фермер хўжаликларни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикасида ўтказилган тендерлар натижасида хўжаликлар сони кўпайди ва ўта майдалашиб кетди. Бу эса улар билан ўтказиладиган иқтисодий муносабатларни ўрнатиш бўйича кийинчиликларга олиб келди. Ушбу кийинчиликлар ичида – техникаларни етишмаслиги, пул маблағларни етарлича эга бўлмаганлиги, етарлича ҳуқуқий ва иқтисодий билимларга эга эмаслиги, ҳисоб китоб юритилмаганлиги ва бир канча шунга ўхшаш муоммолар юзага келди. Ушбу ҳолатдан чиқиш учун давлатимиз 2008-2010 йиллар мабойнида фермер хўжаликларни ер участкаларини оптимизация ишлари амалга оширилди.

Экин майдонларини оптималлаштириш мақсадида амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохотлар, тармоқда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги экинлар таркибини ўзгартириш, пахта экин майдонларини қисқартириш ҳисобига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш, маҳсулот миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва мамлакатни озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат.


Оптимизация ишларини амалга оширишда фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир барча масалалар маҳаллий ҳокимият органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий мувофиқ равишда тақдим этиладиган даъволар асосида суд орқали ҳал қилинди. Бунда фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир даъво аризаларини қўзғатиш ва уларни судга ошириш учун фермер томонидан ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши чуқур таҳлил этиш орқали амалга оширилади:

Фермер хўжаликларга бриктирилган ер участкалардан самарали фойдаланиш учун ер участкаларни фойдаланиш йўналишлари бўйича таҳсимотини қайта кўриб чиқиш ҳисобига экин майдонлар таркибини

ўзгартириш зарур. Бунинг учун экин майдонларни оптималлаштиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

2-чизма

Фермер хўжаликларини экин майдонларини оптималлаштиришга таъсир этувчи омиллар.



Фермер хўжаликларини экин майдонларини оптималлаштиришга таъсир этувчи омиллар чуқур ўрганиладиган бўлса кўйдагиларни аниқлаб оламиз.

- ер майдонларини ижарага олиш шартномаси шартларини қўпол равишда бузишига, яъни, энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик экин майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик;
- фермер хўжаликларини шакллантириш чоғида белгиланган фермер хўжаликлари ихтисослашувини бузиш, контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалик экинларини экиш;
- ижарага берилган қишлоқ хўжалик экинзорларидан нораціонал фойдаланиш, мунтазам (уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олиш;

- фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартнома шартларини мунтазам (уч йил мобайнида) бажармаслик;

- хўжалик фаолиятини самарасиз ва паст рентабелли юритиш, фермер хўжалигини банкрот деб эълон қилиш, жумладан, моддий-техник ресурслар, ишлар ва хизматларни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмасликка эътибор қаратилди.

Ер участкалардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар бир бири билан узвий боғлиқ, бирор-бир омилга етарлича эътибор бермаслик ва юзага келган ҳолатни тўғрилаб олиш учун амалга оширилган бошка омиллар (тадбирларни) ҳаракатлар таъсирини камайтириш мумкин. Шундай экан ер участкалардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларга етарлича эътибор беришимиз зарур.

-жадвал

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштиришни иқтисодий самарадорлигига таъсири.

| т/р | Кўрсаткичлар          | Ўлч.<br>бир | Ҳолат     |                    |               |
|-----|-----------------------|-------------|-----------|--------------------|---------------|
|     |                       |             | Йил якуни | Кутилган<br>натижа | Фарқи,<br>+,- |
| 1   | Экин майдони          | га          | 34.5      | 31.7               | -2.8          |
| 2   | Ҳосилдорлик           | ц           | 33.9      | 36,9               | +3.0          |
| 3   | Ялпи ҳосил            | ц           | 1169      | 1169               | -             |
| 4   | Жами ҳаражат          | м. сўм      | 95089     | 102693             | +7604         |
| 5   | Жами даромад          | м. сўм      | 105329    | 116072             | +10743        |
| 6   | Фойда                 | м. сўм      | 10240     | 13379              | +3139         |
| 7   | Рентабеллик           | %           | 10.8      | 13.1               | +2.3          |
| 8   | 1ц пахта таннарни     | сўм         | 81340     | 87847              | +6507         |
| 9   | 1 ц пахта сотиш нархи | сўм         | 90102     | 99292              | +9190         |

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини экин майдонларини оптималлаштириш учун хўжалик фаолиятига таъсир этувчи иқлим, тупроқ, сув билан таъминланиш, воситалар билан таъминланиш, ўғит билан таъминланиш, экинларга қимёвий ишлов бериш каби омилларни инобатга олган ҳолда, етиштириш зарур бўлган ҳосилни, экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига, оптимал экин майдонини белгилаб олиш мумкин.+6

Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштириш натижасида 2,8 гектар экин майдони тежалади. Тежалган экин майдонларни майдонларни, кам меҳнат, юқори даромад келтирувчи экинлар учун ажратиш мумкин. Бу ўз навбатида хўжаликни даромадини ошириш имконини беради.

### **3.3 Фермер хўжаликларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш.**

Фермер хўжаликлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш заруриятини даставвал мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири- қишлоқ хўжалиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда қарамоқ мақсадга мувофиқдир.

Республикамизнинг бозор муносабатларига ўта бошлагандан бери ўтган давр сабоқлари ҳамда илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибалари қишлоқ хўжалигини давлатнинг фаол аралашувисиз ривожлантириб бўлмаслигини кўрсатмоқда, мутахассисларнинг фикрича “...бозор механизми аграр соҳада ҳам ҳамма масалаларни ҳал қила олмайди. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг аграр сектори бозор шароитида алоҳида ўрин тутди ва давлат томонидан қўллаб-қувватланмасдан туриб соҳалараро рақобатга бардош бераолмайди ” <sup>4</sup>

Америкалик иқтисодчиси – олимлар К.Р. Макконел ва С.Л. Брю давлатнинг аграр соҳага фаол аралашуви заруриятини куйдаги муаммоларга боғлайдилар:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ноэластиглиги;
- техник ривожланиш натижасида фермерлар маҳсулотларининг талбидан ошиқча ишлаб чиқарилиши;
- қишлоқ хўжалик ресурсларининг нисбатан имобиллик хусусияти;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорда соф рақобат кураши ҳуқум; сурган ҳолда, унга ресурслар етказиб берувчи бозорларда монополия элементларини мавжудлиги.

Шу туфайли ҳам аграр соҳани давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари 1930 йиллардан бери амалга ошириб келинади ва улар ўз ичига куйдаги масалаларни қамраб олади:

1. Фермер маҳсулотлари баҳоси, ишлаб чиқариш хажми ва даромадлар.

---

<sup>4</sup> Хусанов Р.Х., Қосимов М. Деҳқон хўжалигини юриштишнинг илмий ва амалий асослари, - Т: Чўлпон, 2000й 74 -б.

- 2.Тупроқ ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофазс қилиш.
3. Қишлоқ хўжалигига оид илмий – тадқиқотлар.
4. Фермерларни кредит билан таъминлаш тизими.
- 5.Фермерларни ишлаб чиқишини турли табиий офат ва фавкулотда ҳолатларни суғурталаш.

Қишлоқ хўжалиги мураккаб биотехнологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида тавсифланади. Унга ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий характердаги омиллар билан биргаликда ер, сув, ўсимлик ва чорва моллари организм, ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, табиий иқлим ва жуғрофик жойлашув каби табиий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бир шакли сифатида ушбу тармоққа хос бўлган барча омиллар таъсирида ривожланиб боради.

Ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг серқирралиги ва мураккаб тизимдан иборатлиги фермер хўжалигининг самарали фаолият кўрсатиш имкониятларини чеклайди. Хусусан, ишлаб чиқариш табиий омилларнинг бир қисмини (об-ҳаво, табиий иқлим шароити ва х.к.) бошқариш фермернинг имкониятлар доирасидан ташқарида бўлиб, уларни олдиндан режалаштириб ёки олдини олиб бўлмайди. Аммо, бу омилларнинг кулай ёки нокулай шароитларда келиш хўжаликнинг якуний молиявий натижаларига кучли таъсир кўрсатади.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришнинг табиий иқлим шароити, улар фаолиятини рағбатлантириш ва суғурталаш каби бир қатор ҳимоя воситаларини яратишни талаб қилади.

Фермер манфаати томонидан ёндашсак йил давомида маҳсулот етиштириш учун сарфланган харажатлар табиий офат ва курғоқчилик туфайли бекорга совурилиши мумкин. Бундай пайтларда фермернинг кўрган зарарини қисман бўлсада қопланмаслик келгуси йил ҳосилига ҳам

тахдид солади. Озиқ-овқат танқислиги вужудга келмаслиги учун давлатнинг махсус захиралари бўлиши мақсадга мувофик. Хосил мўл булган йилларда давлат озиқ-овқат маҳсулотларининг талабдан ошиқ қисмини деҳқонлардан хариб қилиб, махсус омборларда сақлаш ва об-ҳаво нокулай келиб танқислик вужудга вужудга келган йиллари бу захиралардан талабни қондириш мақсадида фойдаланиши мумкин. Бу тадбир ҳозирги вақтда дунёнинг бир қатор давлатларида қўлланиб келинади ва ўзини ижобий самарасини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг табиий-иқлим шароитларга боғликлиги бу тармоқда баҳолар ва фермер хўжалиги даромадининг барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Табиийки, бундай шароитларда аграр соҳада эркин бозор муносабатлари амал қилаётган бўлса, фермер хонавойрон бўлиши турган гап.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биологик жараёнлар билан боғликлиги туфайли тез бузулувчан бўлади. Уларни узоқ муддат сақлаш ёки олис масофаларга ташиш имкониятлари анча чекланган. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан фарқли равишда саноат, савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари ўз маҳсулотларига баҳо белгилашда анча қулай мавқеяга эга. Чунки, уларни истемолчи сўраётган нарх кониктирмаса, токи бозорда қулай вазият вужудга келгунга қадар товарларни сотмай сақлаб туриш мумкин. Қишлоқ хўжалик корхоналари эса сабзавот, мева ёки сут каби тез бузулувчан маҳсулотларни бозорда қулай вазият келишини кутиб, узоқ вақт ушлаб тура олмайдилар. Бу хил маҳсулотлар маълум муддат ўтгандан сўнг ўзининг истемол кийматини йўқатиш мумкинлиги сабабли фермерлар бозорда ташкил топган нархлар даражаси билан қаноатланишига мажбур бўлади.

Иккинчи томондан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар республикада кўпчиликни ташкил этади ва эркин бозор ҳуқум суриб турган шароитда улар ҳеч қачон ўзоро келишиб, маҳсулотларга юқори нарх белгилай олмайдилар, яний қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

бозорида соф рақобат ҳукум суради. Бир турдаги маҳсулотни жуда кўп сонли ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарганлиги сабабли бозорда вужудга келадиган шу маҳсулот нарҳини алоҳида олган корхона ўзгартира олмайди.

Одатда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ўзгариши унчалик катта бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб эластик эмас. Қишлоқ хўжалиги корхоналари харид қиладиган саноат маҳсулотлари (техника, минерал ўғит, ёкилги ва х.к) нархи анча кўп ҳолларда тез сурратларда ўсади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарасини пасайтирадиёки умуман зарарли қилиб қўяди.

Айниқса, қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари етказиб берувчи ҳамда уларга турли хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳудудлар миқёсида камчиликни ташкил этиб, базан монопл мавкейга эга эканлиги билан характерланади. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳолари билан бу тармоқ учун зарур бўлган саноат товарлари ёки хизматлар баҳолари ўртача йирик номуносивблик вужудга келади. Бундай вазиятда давлат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ноқулай бўлган баҳолар номуносивблигини бартараф этиш ва моддий техника таъминоти ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг монопол мавкеини чеклаш чораларини кўришга мажбур бўлади.

Фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурияти қишлоқ хўжалигида капитал айланишининг хусусиятларидан ҳам келиб чиқади. Маълумки, саноат, савдо, молия бозорлари каби бир қатор тармоқларда капитал айланиши қишлоқ хўжалигига нисбатан бир неча марта юқоридир. Капитал канча тез айланса, шунча кўп фойда келтириши туфайли қишлоқ хўжалигида капиталнинг секин айланиши бу тармоққа инвестиция кириб келиниш имкониятларини кескин чегаралайди.

Аммо, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тармоқларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни

техник куроллантириш, фан техника ютуқлари ва илғор техналогияларни жорий этиш, экологик вазиятни барқарор ушлаб туриш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш учун йирик капитал маблағлар талаб этиладики,бу тадбирларни ёлғиз фермер хўжаликларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун давлат бюджети ҳисобидан махсус маблағлар ажратилиши мақсадга мувофиқ. Ва нихоят фермер хўжаликларининг ижтимоий ривожланиши, яъни улар учун йўллар барпо этиш, газ, сув, электр таъминоти, ижтимоий маданий объектлар қуриш каби умум давлат аҳамиятига эга бўлган муаммолар мавжудки, бу муаммоларни давлат ҳомийликсиз ечиб бўлмайди.

Албаттда фермер хўжаликлар фаолиятини тартибга солиб туриш тўғрисидаги гап борганда уларнинг фаолиятига давлатнинг бевосита аралашуви ҳақида эмас, балки давлатнинг ўз кўлидаги маъмурий, иқтисодий ва институционал дастаклар билан фермер хўжаликлар фаолиятига таъсир кўрсатиши ҳақида гап бораётганини унутмаслик керак.

Фермер хўжаликлар фаолиятини давлат тамонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш зарурияти давлатнинг олдида бир қатор вазифаларни қўяди.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунда давлатнинг фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича асосий вазифалари сифатида қуйдагилар белгиланган.

-фермер хўжаликларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга эга бўлган йўллар, электр узатиш, алоқв линиялар қуриш, сув билан таъминлаш, газлаштириш,ер тузиш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш:

-фермер хўжалигига зарурий ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш;

-фермер хўжалиги учун керакли мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан олишда кўмаклашиш;

-навли уруғ ва қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат материалларини, органик ва минерал ўғитларини, қишлоқ хўжалик экинларини

заракунандалар ва касалликлардан химоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан давлат тегишли агротехнологик хизмат кўрсатиш тизимлари орқали техникавий хизмат кўрсатиш;

-қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб ускуналари ва ашё анжомларини лизинг асосида олишда кўмаклашиш;

-етиштирилган махсулотларни тайёрлаш ва сотишда кўмаклашиш;

-консалтинг ва ахборат хизматлари кўрсатиш.

Қишлоқ хўжалигининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлатнинг фермер хўжаликларини тартибга солишдаги асосий вазифалари сифатида яна кўйдагиларни белгилаш мумкин;

-ҳуқуқий химоялаш ва тартибга солиш муносабатлари;

-рағбатлантириш вазифаси;

-тақсимлаш вазифаси;

-ижтимоий кафолатлаш вазифаси;

-ахборат-маслаҳат таъминоти вазифаси;

-ташқи иқтисодий фаолиятини мақбуллаштириш вазифасини бажариб келмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг фермер хўжаликларининг кўллаб кувватлаш тармокдаги барча ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Қишлоқ хўжалигининг халқ хўжалик тармоқлари ичида тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноат тармоқларининг хом-ашёга бўлган талабини қондиради. Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз аҳолисини иш билан таъминлаш имконига эга бўлган тармоқ ҳисобланади.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан фермер хўжаликларининг экин майдонлардан фойдаланиш ҳолатига боғлиқдир. Фермер хўжаликларининг экин майдонларини оптималлаштириш ҳисобига мавжуд имкониятларни яратилган шарт-шароитларга мослаш ва улардан самарали фойдаланишга эришилади. Экин майдонларини оптималлаштириш ҳисобига асосий воситалардан ва айланма фондлардан самарали фойдаланишга эришилади.

Экин майдонларини оптималлаштириш маҳаллий ҳоқимият томонидан ҳар йили, йил якунларига кўра амалга ошириб бориш зарур. Бу уз навбатида фермерлик ҳаракатини барқарор ривожланишини таъминлаш имконини яратиб беради.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатиб келувчи ҳар бир фермер хўжалиги, яратилган шарт-шароитлар билан мавжуд имкониятларни мутаносиблигини таъминлаш ҳисобига улардан фойдаланиш

самарадорлигини оширишга эришилади. Бунинг учун нақадар ҳуқуқий манбага таяниш, шу билан биргаликда имкониятларни баҳолаб бориш, илғор техника ва технологияларни жорий этиш, маркетинг фаолиятига етарлича эътибор бериш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигида экин майдонларни оптималлаштириш ҳисобига маҳсулот миқдорини кўпайтириш, экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунинг учун зарурий воситалар билан таъминлаш, малакали кадирлардан фойдаланиш, маҳсулот етиштириш агротехникасига эътибор бериш, уларни ўз вақтида бажариш керак.

**“Тўрткўл Қаҳрамони”** фермер хўжалигида экин майдонларини оптималлаштиришда қуйидагиларга амал қилиш керак.

1. Эришилган ҳосилдорлик, фойдаланиладиган экин нави, солинадиган ўғитлар хажми ва туридан, мавжуд воситалардан ва азоларни ўз вазифасини бажариш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда зарурий экин майдонларини белгилаб олиш.

2. Экин майдонларини оптималлаштириш натижасида, тежалган экин майдонларни – юқори даромад келтирувчи, доимий харидога эга бўлган, кам меҳнат ва маблағ талаб этадиган, келгусида сақлаб сотиш имконини берувчи экинларни кўпайтиришда фойдаланиш.

3. Оптималлашган экин майдонига асосан имкониятга таянган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини белгилаб олиш, сифатини ошириш ва таннархини камайтириш чора-тадбирларни белгилаш зарур.

4. Зарурий техника ва тиркалма агрегатлар билан таъминлашга эришиш (сотиб олиш, кредит ва лизинг усулидан фойдаланиш ҳисобига).

5. Юқори ҳосил берадиган, кассаллик ва хашоратларга чидамли навлардан фойдаланишни таъминлаш.

6. Хўжалик азоларини маҳсулот етиштириш агротехникаси ва уларни бажариш усуллари билан таништириш ва тушунчалар олиб бориш.

7. Экинлар касаллиги ва хашоратларига карши ишлов бериш восита ва ашёлар билан таништириш, фойдаланиш усулларини ўргатиш.

8. Хўжаликда фаолият кўрсатиб келувчи механизаторларга, механизация лашган агротехник тадбирларни сифатли бажариш усулларини ўргатиш.

Хўжалик раҳбари юқорида тадбирларга етарлича этибор берса, экин майдонларни оптималлаштириш узини самарасини беради ва хўжаликни иқтисодий самарадорлигини яхшиланади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **1.Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999 й.
- 3..Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон.
- 5.Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999 й.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб

чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.Тошкент-2008 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478 фармони.Тошкент-2012 й.

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.Т-2003 йил 4.09. 383-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эhtiёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2012 йил 11 апрель, 106-сон.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори. Тошкент ш.,2013 йил 31 январь, 22-сон.

7.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2013 йил 21 июнь,176-сон

8.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг қарори “Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш.,2013 йил 26 сентябрь,49-сон

9.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 17.01.2015 й.

### **3 . Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил

2. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил

3. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.

4. И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998 йил.

5. И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил

6. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил.

### **4.Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».Тошкент-“Адолат”-1999й.

2. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.

### **5. Асосий адабиётлар**

1. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002 йил.

2 .А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002 йил.

3. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти

(ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил.

4. Ў.П.Умрзақов ва б. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.:”Иқтисод-молия” 2007 йил.

5. А.А.Абдуғаниев, А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2010 йил.

6. С.Фрунзе. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик). – Т. 2004 йил.

7. Ғ.А.Саматов ва б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. (дарслик). Т. 2005 йил.

## **6.Қўшимча адабиётлар**

1. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. – Т.: «Молия», 2003.

2. Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004 йил

3. Р.Хакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004

4. О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005 йил.

## **7.Даврий нашрлар,статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.**

1. Избоскан туманидаги «Тўркўл Қаҳрамони» фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.

## **8. Интернет манбалари.**

1. [www.msu.ru](http://www.msu.ru). – Москва Давлат Университети.Иқтисодиёт факультети.

2. [www.rscute.ru](http://www.rscute.ru). - Г. Плеханов номидаги Москва иқтисодиёт академияси.

3. [www.цпе.уз](http://www.цпе.уз).- Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

4. [www.тимасад.ру](http://www.тимасад.ру).-К.А.Тимирязев номидаги Москва давлат қишлоқ хўжали ги академияси, иқтисодиёт факултети.

5. [www.право.уз](http://www.право.уз). Ўзбекистон республикаси қонунчилик базаси.

6. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.

7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.

Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси **Собирова** (Мирзаева) Мунаввархон Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптимал ҳажмини белгилашни иқтисодий самарадорликка таъсири мавзусида тайёрлаган битирув малакавий ишига раҳбарининг

#### **ФИКР ВА МУЛОХАЗАЛАРИ**

Кишлоқ хўжалигини деҳқончилик тармоғи фермер хўжаликларини асосий даромад манбаси ҳисобланади. Деҳқончилик тармоғи республика озиқ-овқат ховфсизлигини таъминлашга маълум ҳисса қўшиш мумкин. Ҳозирги кунда Республикада фермер хўжаликлар таъмонидан экин майдонларидан самарали фойдаланишга етарлича эътибор берилгани йўқ.

Экин майдонлари ҳисобига стратегик маҳсулот етиштирувчи тармокни барқарор ривожлантириш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Шу боисдан ҳам фермер хўжаликлар томонидан деҳқончилик маҳсулотларни қўпайтириш ва уни самарадорлигини ошириш, таннархини камайтириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш зарур.

Кишлоқ хўжалигида деҳқончилик маҳсулотларни қўпайтириш ва таннархини камайтиришни аҳамияти бекиёс каттадир. Экин майдонларини хўжалик имкониятлари билан мутаносибликни таъминлаш, маҳсулот миқдорини қўпайтириш, сифатини яхшилаш, харажатларни тежаш имконини яратиб бериши мумкин. Фермер хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланишга, таннархини камайтиришга таъсир этувчи омилларга етарлича эътибор бериш зарур.

Битирув малакавий ишини тайёрлашда ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунлардан, Президентимиз асарларидан, мавзуга оид адабиётлардан ва Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллардаги ҳисоботларидан, бизнес режаларидан ҳамда мавзуга тегишли бўлган маълумотлардан кенг фойдаланилган.

Битирув малакавий ишида Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида маҳсулот миқдорини қўпайтириш, таннархини камайтириш бўйича бир қатор фикр – мулоҳазалар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бир қисmini бевосита амалиётда фойдаланиш мумкин.

Битирувчи **Собирова** (Мирзаева) Мунаввархонни ўзининг битирув малакавий ишини берилган топшириқ асосида сифатли қилиб тайёрлади, битирув иши қўйилган талабларга

жавоб беради, унда мавзуга оид булган иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилиб чуқур таҳлил этилган.

Хулоса қилиб айтилганда **Собирова** (Мирзаева) Мунаввар томонидан тайёрланган битирув малакавий иши уни тайёрлаш бўйича қўйилган талабларга жавоб беради, уни Яқуний Давлат Аттестацияси Комиссиясида химояга қўйиш мумкин.

**Битирув малакавий  
ишининг рахбари, кат. ўқт:  
12.05.2015 й.**

**М.Усманов**

**Андижон қишлоқ хўжалик институти**  
**Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедрасининг**  
**№ \_\_\_\_ сонли йиғилиши баёнидан**  
**К Ў Ч И Р М А**

\_\_\_\_ май 2015 й

Куйган – ёр шаҳарчаси

**Қ А Т Н А Ш Д И Л А Р:**

|     |                                         |                              |
|-----|-----------------------------------------|------------------------------|
| 1.  | О.Шерматов                              | кафедра мудири и.ф.н. доцент |
| 2.  | О.Зокиров                               | профессор                    |
| 3.  | А.Абдуллаев                             | и.ф.н. доцент                |
| 4.  | О.Махмудов                              | и.ф.н. доцент                |
| 5.  | Э.Қўлдашев                              | и.ф.н. доцент                |
| 6.  | Б.Носиров                               | и.ф.н. катта ўқитувчи        |
| 7.  | Х.Баратов                               | и.ф.н. катта ўқитувчи        |
| 8.  | В.Абдурахмонов                          | и.ф.н. катта ўқитувчи        |
| 9.  | Г.Абдуллаева                            | и.ф.н. катта ўқитувчи        |
| 10. | М.Усмонов                               | катта ўқитувчи               |
| 11. | Т.Иминов                                | катта ўқитувчи               |
| 12. | Б. Рахмонова                            | катта ўқитувчи               |
| 13. | Д.Исламова                              | катта ўқитувчи               |
| 14. | Т.Ёкубов                                | ассистент                    |
| 15. | М.Қобулова                              | ассистент                    |
| 16. | А.Эргашев                               | ассистент                    |
| 17. | Д.Ахмадалиева                           | ассистент                    |
| 18. | Р.Имомов                                | ассистент                    |
| 19. | Н.Сафина                                | ассистент                    |
| 20. | С.Назаров                               | ассистент                    |
| 21. | А.Тўйчиев                               | ассистент                    |
| 22. | А.Абдумўминов                           | ассистент                    |
| 23. | Ж.Қурбонов                              | ассистент                    |
| 24. | Битирувчи босқич талабалари _____-нафар |                              |

**КУН ТАРТИБИ**

Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси **Собирова** (Мирзаева) Мунаввархоннинг Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптимал хажмини белгилашни иқтисодий самарадорликка таъсири мавзусида тайёрлаган битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

**Эшитилди:** Битирувчи **Собирова** (Мирзаева) Мунаввар ўзининг битирув малакавий иши бўйича маъруза қилиб битирув малакавий ишининг мақсадига, вазифаларига, моҳиятига ҳамда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларга батафсил тўхталиб ўтди.

Сўнгра мавзу бўйича берилган барча саволларга битирувчи томонидан жавоб берилди.

Битирув малакавий ишнинг раҳбари кат. ўкт М. Усманов: - “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптимал хажмини белгилашни иқтисодий самарадорликка таъсири бўйича ёзилган битирув малакавий ишини долзарблиги, моҳияти ва битирувчи томонидан бўйича иқтисодий кўрсаткичларини тайёрланган жадвалларда таҳлил этилиши масалаларига тўхталиб, ишнинг ижобий томонлари хақида ўз фикр ва мулохазаларини билдирди.

**Сўзга чиқдилар:** доцент Б.Носиров ва Т.Ёкубов ботирув малакавий ишнинг химояси жараёнида ботирувчи алоҳида аҳамият бериши керак бўлган масалаларга тўхталишиб ишни ЯДАК да химояга қўйилиши мумкинлигини таклиф қилишди.

**Йиғилиш қарор қилади:**

Ботирувчи Собирова (Мирзаева) Мунаввархон томонидан тайёрланган ботирув малакавий иши Якуний Давлат Аттестация Комиссиясида химояга қўйилсин.

Йиғилиш раиси, доцент:  
Котиби

**О.Шерматов**  
**Т.Иминов.**

Андижон қишлоқ хўжалик институти  
Иқтисодиёт таълим йуналиши битирувчиси  
Собирова (Мирзаева) Мунаввархоннинг битирув малакавий ишига

### ТАҚРИЗ

**БМИнинг мавзуси:** Избоскан туманидаги “Тўртқўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптимал хажмини белгилашни иқтисодий самарадорликка таъсири

**Битирув малакавий иши**                      **бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда**    **та жадваллардан ва**    **та чизмадан фойдаланилган.**

**БМИнинг бажарилишини топшириққа мос келиши:** *БМИ берилган топшириққа тўла мос келади*

**БМИни бажаришда битирувчи томонидан мавзуга оид қонунлардан, меъёрий хужжатлардан ва қишлоқда ўтказилаётган таркибий қайта ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилиши даражаси:** *мавзуга оид қонунлардан, меъёрий хужжатлардан фойдаланилган.*

**БМИнинг тайёрланиш даражаси, яъни уни таркибни ва моҳиятини мавзуга мос келиши, хўжалик маълумотлари ва кўрсаткичларини таҳлил этиш ва улардан фойдаланиш, хулоса ва таклифларнинг асосланганлиги ҳамда тушунтириш ёзувининг сифати:** *БМИнинг тайёрланиш даражаси қўйилган талабларга жавоб беради. Уни тайёрлашда “Избоскан” туманидаги “Тўртқўл Қаҳрамони”ни маълумотларидан кенг фойдаланган, хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари чуқур таҳлил қилиниб асосланган хулосалар тайёрланган.*

**БМИда йўл қўйилган камчиликлар:**

*Фермер хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланишни ифодалаб берувчи кўрсаткичлар ва улар ҳақида тушунчалар берилганда яхши бўлар эди.*

**Битирувчининг умумий касбий фанлар бўйича тайёргарлигини баҳолаш (мулоқот натижаси):** *битирувчининг умум касбий фанлар бўйича тайёргарлиги коникарли.*

---

**Битирув малакавий иши бўйича якуний хулоса:** *БМИни Давлат Аттестация Комиссиясида ҳимояга қўйиш мумкин.*

**Такриз берувчининг исми шарифи ва имзоси**

**А. Комилов.**

**Илмий унвони ва даражаси**

и.ф.н. доцент

**Иш жойи ва лавозими**

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси

**Такриз берилган сана**

«12» май 2015йил

Андижон қишлоқ хўжалик институти  
Иқтисодиёт таълим йуналиши битирувчиси  
Собирова (Мирзаева) Мунаввархоннинг битирув малакавий ишига

### ТАҚРИЗ

**БМИнинг мавзуси:** Избоскан туманидаги “Тўртқўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптимал хажмини белгилашни иқтисодий самарадорликка таъсири

**Битирув малакавий иши**                      **бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда**                      **та жадваллардан ва**                      **та чизмадан фойдаланилган.**

**БМИнинг бажарилишини топшириққа мос келиши:** *БМИ берилган топшириққа тўла мос келади*

**БМИни бажаришда битирувчи томонидан мавзуга оид қонунлардан, меъёрий хужжатлардан ва қишлоқда ўтказилаётган таркибий қайта ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилиши даражаси:** *мавзуга оид қонунлардан, меъёрий хужжатлардан фойдаланилган.*

**БМИнинг тайёрланиш даражаси, яъни уни таркибни ва моҳиятини мавзуга мос келиши, хўжалик маълумотлари ва кўрсаткичларини таҳлил этиш ва улардан фойдаланиш, хулоса ва таклифларнинг асосланганлиги ҳамда тушунтириш ёзувининг сифати:** *БМИнинг тайёрланиш даражаси қўйилган талабларга жавоб беради. Уни тайёрлашда Избоскан туманидаги “Тўртқўл Қаҳрамони”ни маълумотларидан кенг фойдаланган, хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари чуқур таҳлил қилиниб асосланган хулосалар тайёрланган.*

**БМИда йўл қўйилган камчиликлар:**  
*Фермер хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланишни ифодалаб берувчи кўрсаткичлар ва улар ҳақида тушунчалар берилганда яхши бўлар эди.*

**Битирувчининг умумий касбий фанлар бўйича тайёргарлигини баҳолаш (мулоқот натижаси):** *битирувчининг умум касбий фанлар бўйича тайёргарлиги коникарли.*

**Битирув малакавий иши бўйича якуний хулоса:** *БМИни Давлат Аттестация Комиссиясида ҳимояга қўйиш мумкин.*

**Такриз берувчининг исми шарифи ва имзоси**                      **Эргашева Р.**  
**Илмий унвони ва даражаси**  
**Иш жойи ва лавозими**                      “Тўртқўл Қаҳрамони” фермер хўжалигини раҳбари.  
**Такриз берилган сана**                      «12» май 2015йил

АҚХИ Иқтисодиёт ва бошқарув факультети Иқтисодиёт таълим йўналиши 4-курс 1-гуруҳи талабаси Собирова (Мирзаева) Мунаввархоннинг Избоскан туманидаги “Тўртқўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларини оптимал хажмини белгилашни иқтисодий самарадорликка таъсири мавзусидаги битирув малакавий ишининг

#### АННОТАЦИЯСИ

**Мавзунинг долзарблиги** Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар тамонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани эвазига маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга, сифатини оширишга замин яратиб бермоқда. Мухтарам Президентимиз И.Каримов 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Иқтисодиётимизни 2015 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устивор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган деб айтиб ўтди. Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали заманавий техника билан таъминланган, илгор технологияларни пухта эгаллаган хўжаликлардир. Экин майдонлардан самарали фойдаланиш натижасида даромад олишни кўпайтириш зарур. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот миқдорини кўпайиш, қайта ишлашни жорий этиш ва бозорни ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият кўрсатиш зарур.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.** Битирув малакавий ишининг мақсади фермер хўжаликларни рақобатбардошлигини оширишда экин майдонларини оптималлаштириш, маҳсулот етиштириш ҳамда сотиш механизмининг такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ечиш кўзда тутилган ва амалга оширилган:

- деҳқончилик тармоғида маҳсулот етиштириш, сотишга тайёрлаш ҳолатини таҳлил этиш;
- деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида экин майдонлардан фойдаланиш ҳисоб-китобларини амалга ошириш механизмининг ўрганиш;
- деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида экин майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолатини таҳлил этиш;
- деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш харажатларини Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма маблағлари эвазига тижорат банклари орқали молиялаштириш механизмининг афзалликлари ва камчиликларини тадқиқ этиш;
- деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларни экин майдонлар тақсимотини такомиллаштириш имкониятлари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишининг объекти** Давлатимизни 2012-2014 йиллардаги ишлаб чиқариш, молиявий ва тижорат фаолият натижалари ҳисоботларидан фойдаланилган. Аниқроқ илмий-тадқиқот ишлари Избоскан туманидаги “Тўртқўл Қаҳрамони” фермер хўжалиги мисолида олиб борилган ва ушбу фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллар бўйича йиллик ҳисобот маълумотлари ҳамда режа кўрсаткичларидан фойдаланилган.

**Битирув малакавий ишининг предметини** аграр тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш шароитида фермер хўжаликларида экин майдонларини оптималлаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқиш ва сотиш муносабатларини ташкил этади.

**Битирув малакавий ишнинг илмий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар фермер хўжаликларни экин майдонларидан самарали фойдаланишни ошириш учун резервларини излаб топиш орқали тармоқда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон бериши мумкин. Хусусан, тадқиқот натижаларининг айрим жиҳатлари. “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида амалиётда қўллаш учун қабул қилинганлиги тўғрисида далолатнома олинган.

**Битирув малакавий ишини таркибий жиҳатдан** кириш, асосий қисмда 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, таркиби ўз аксини топган.

Асосий қисмининг биринчи бобида Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида экин майдонларини иқтисодий самарадорлигини оширишни илмий-услубий асослари ёритилган.

Иккинчи бобда Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш ҳолати ва таҳлили тадқиқ этилган.

Учинчи бобда Избоскан туманидаги “Тўрткўл Қаҳрамони” фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида олиб борилган тадқиқот натижалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган.

**Битирув малакавий ишини  
бажарувчи**

**М Собирова (Мирзаева).**

**Илмий раҳбар**

**кат. ўқит. М.Усманов.**